



# ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2003 йил 6 ноябрь, пайшанба • 45 (3521)-сон

## КАСБ КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ички ишлар идораларининг барча ходимлари, хизматчилар ва фахрийларни, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчи, тингловчи ва курсантларини, шунингдек, хизмат вазифасини ўташ чоғида юртимиз Мустақиллиги ва эл-юрт тинчлигини ҳимоя этиб ҳалок бўлган ходимларнинг оила

аъзоларини 10 ноябрь — ички ишлар идоралари ходимларининг Касб кuni билан табриклайман.

Мустақил ватанимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жинойатчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъулиятли ва ша-

рафли хизматларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, узоқ ва сермазмун умр, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик тилайман.

**Зокиржон АЛМАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири,  
ички хизмат генерал-полковниги.

### УШБУ СОНДА: ЭЛ ХИЗМАТИДА ЧАРЧАМА, ЎҒЛИМ!

«Эл хизматини қилган кам бўлмайди, ўғлим. Бағримга яна соғ-саломат қайтгин». Ҳар кuni эрталаб Райхона ая ўғли Шухратжонни ишга ана шу сўзлар билан кузатади...»

3

### ОҚИБАТ ЙЎҚОЛМАСИН!

«Қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат азалий қадриятларимиздан саналади. Бизда кишини маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёлғизлатиб қўйишмайди...»

13

### АЁЛНИНГ ҲАМ ЖОНИ БИТТА

«Айрим эркалар «Аёлнинг жони қирқта» деган мақолни тўғри маънода тушунадиларми деймиз-да. Йўқса, бўлар-бўлмасга хотинларига қўл кўтаравермасдилар...»

15

## УЛАР БОРКИ, ЮРТ ОСОЙИШТА!

Милициянинг у ёки бу хизмати фаолияти натижалари ҳақида гапирганда беихтиёр рақамларга мурожаат қиламиз. Шу маънода Навоий вилояти ИИБ патруль-пост бўлинмасини оладиган бўлсак, йил бошидан буён 170 дан зиёд жинойат бўлинма ходимлари ёрдамида очилди. Бевосита шахсий таркибнинг ўзи юзга яқин жинойатни фoш этди. Турли ҳуқуқбузарликларни содир этган 10 мингдан зиёд шахс аниқланди. Уларнинг аксарига нисбатан маъмурий чоралар кўрилди. Юқоридаги рақамлар ППХ милиционерлари қонунбузарларга, жамоат тартибини бузувчиларга қарши муваффақиятли курашаётганидан, фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаётганидан дарак беради. Уларнинг асосий вазифалари ҳам шундан иборат-да.

– Зиммамиздаги масъулиятли вазифаларни талаб даражасида бажариш учун авваламбор ходимларимизнинг касб маҳоратларини оширишга, уларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлигига эътибор беряпмиз, – дейди бўлинма командири, милиция майори Улугбек Орипов. – Моддий-техник таъминот, бўлинмани замонавий алоқа ва маҳсул воситалар, автоуловлар билан таъминлаш ҳам муҳим эканлигини унутмаяпмиз, албатта.

Қадрдон ўлкамизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон экан, юртдошларимиз ўзларини хотиржам ҳис этадилар. Ҳа, касб кунлари арафасида осойишталик посбонлари шаънига ҳар қанча илиқ сўз айтсак кам.



Суратларда: Навоий вилояти ИИБ ППХ бўлинмаси ходимлари, милиция сержанти Ш. Бобомуродов ва милиция катта лейтенанти К. Турдиев; ППХ бўлинмаси командири, милиция майори У. Орипов ҳамкасблари билан навбатдаги тадбир режасини муҳокама қиляпти.

Ражаббой РАУПОВ.  
олган суратлар.



## АЗИЗ! МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган таҳририятининг «Постда» ва «На посту» газеталари ҳамда «Қалқон» ва «Щит» журналларига 2004 йилнинг биринчи ярми учун обуна бошланди.

Жинойат қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиксангиз, нашларимизга обуна бўлинг. Газета ва журналларда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, «Саломатлик», «Ниҳол», «Сулола», «Ибрат» каби саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

### ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366)  
«На посту» – 169 (367)  
«Қалқон» – 970 – (1083)  
«Щит» – 971 – (1084)

## УСНИНСНИ «Постда» gazetasi ning ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ДОЛЗАРЪ МАВЗУГА  
БАҒИШЛАНДИ

“Интерконтиненталь” меҳмонхонаси мажлислар залида уч кун давомида Марказий Осиё мамлакатлари суд-хуқуқ тизими ислохотлари масалаларига бағишланган минтақавий конференция бўлиб ўтди. Анжуманни АҚШ Адлия департаменти хориждаги прокуратуралар ишини ривжолантириш, уларнинг ходимларига кўмак ва таълим бериш бўйича бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташкил этди. Конференцияда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистоннинг прокуратура, суд, ички ишлар идоралари ходимлари, юристлари ва хуқуқшунослари катнашишди.

Тадбир иштирокчилари шахсни ҳибсга олиш ва ушлаб туришнинг қонунийлиги, гумонланувчи, айб-

ланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, адвокатнинг роли, суд жараёнининг тортишувли бўлишига эришиш, мажбурият айбини бўйнига қўйиш ва ноқонуний йўллар билан далил-исботларни қўлга киритишга чек қўйиш каби мавзуларда қирққа яқин маърузаларни тинглаб, муҳокама қилишди.

Ташкилотчиларнинг мақсади — конференцияда кун тартибидоги масалалар бўйича очик-ошкора мунозаралар ёрдамида ўзаро фикр ва тажриба алмашинувига эришиш эди. Қатнашчиларнинг баҳоларига қараганда бунга тўла муваффақ бўлинди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: конференциядан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## КИНОЛОГЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Республика ИИБ Транспорт ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати питомнигида тизим кичик инспектор-кинологларнинг ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари соҳа раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг “Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда хизмат итларидан фойдаланиш”, “Хизмат итларини тайёрлаш ва ўргатиш усуллари, сақлаш шароитларини яхшилаш, ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар”, “Хизмат итларини йўналишлар бўйича ўргатишнинг махсус ва умумий курслари”, “Хизмат итларида учрайдиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш, даволаш

чоралари” каби қатор маърузаларини тингладилар. Маърузачилар қатнашчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Семинарнинг амалий қисмида инспектор-кинологларнинг хизмат итлари билан биргаликда махсус тўсиқлардан ўтиш, қуролланган жиноятчини қўлга олиш, гиёҳвандлик ҳамда портловчи моддаларни қидириб топish каби билар бўйича кўпкураш мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақада Транспорт ИИБ ЖТСБ ва ППХ кинология хизмати кинологи, мили-

ция сержанти К. Абдувоҳидов “Рекс” лақабли хизмат ити билан биринчи, “Тошкент” темир йўл шоҳбекати тармоқ ИИБ кинологи, милиция кичик сержанти С. Абдураимов “Барон” лақабли хизмат ити билан иккинчи ўринни эгалладилар. Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ кинологи, милиция сержанти Т. Дўстмуродов ҳамда питомник кинологи, милиция кичик сержанти В. Зябовалар ўзларининг “Гера” ҳамда “Карнет” лақабли хизмат итлари билан фахрли учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Ғолибларга ҳамда мусобақа қатнашчиларига бошқарманинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

## УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Сурхондарё вилояти ИИБда бошқарма тизимининг соҳавий хизматлари, шаҳар ва туман ИИБ бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари иштирокида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоят ИИБ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги

С. Чориев ходимларни хизмат ва жанговар тайёргарликдан ўтказишнинг аҳамияти тўғрисида тўхталди. Шунингдек, ўқув машғулоти режасини тузиш бўйича методик маслаҳатлар берди.

Семинарда вилоят ИИБ бошлиги, милиция полковниги М. Жабборов иштирок этди.

Б. БОЙМУРОДОВ,  
милиция капитани.


ХУДУДИМИЗ  
ОЗОДА БЎЛСА...

Тошкент шаҳар ИИББ ва унинг жойлардаги тизимларида “Обод маҳалла йили”да ҳудуд атрофини ободонлаштириш мақсадида тез-тез шанбаликлар ўтказилмоқда. Унда Юнус-обод тумани ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бўлими ходимлари ҳам фаол қатнашишмоқда. Бўлиб ўтган шанбаликда шахсий таркиб ҳудудни ободонлаштириш, тозалаш, ҳазонларни йиғиштириш ишларини бажаришди, шунингдек, дарахтларга кузги ишлов беришди.

А. МАТКАРИМОВ,  
милиция капитани.



## «Пахта – 2003»



Республикада етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш авж паллага кирди. Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши пахтани жадаллик билан териблишни тақозо этапти. Бу умумхалқ ҳашарига кўпчилик сафарбар этилган. Улар пахта хирмонининг кундан-кунга юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Лекин халқнинг бойлигига кўз олайтириб, мўмай даромад орттирмақчи бўлган “олғирлар” ҳамон учраб турибди.

АЙБДОРЛАРГА  
ЧОРАЛАР КЎРИЛЯПТИ

Наманган вилояти Мингбулоқ тумани “Пахтакор” фермер хўжалиги раҳбари М. Сирождидинов 1100 кг пахтани қабул масканига топширмасдан дала шийпонидо сақлаётганлигини туман ИИБ ходимлари аниқлашди. Шу каби ҳолат Поп тумани Чиганок қишлоғида яшовчи “Кўкёл” фермер хўжалиги раиси Т. Хўжаназаров томонидан ҳам содир этилди. У 600 кг пахтани давлатга топширмасдан сақлаб келаётганлиги ошкор бўлди. Бухоро вилояти Жондор тумани Н. Ражабов номли ширкат хўжалигининг оилавий пудратчиси Б. Ҳожиев 340 кг пахтани ўз ҳовлисига яшириб қўйганлиги фош этилди. Юқоридаги учта ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан қонунда белгиланган жазо чоралари қўлланилди.

Аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилишига қарамай айрим виждонсиз кимсалар пахтани қўшни давлатларга ноқонуний йўллар билан сотиб, мўмай пул ишлаб олмоқчи бўлмоқдалар. Шу кунга қадар республикада 60 га яқин ана шундай уринишлар қайд этилиб, 27 тоннадан зиёд пахтани четга олиб чиқиб кетилишининг олди олинди. Бу каби ҳолатларнинг 40

фоиздан ортиғи Сирдарё вилоятида содир этилди. Пахтани республикадан ташқарига олиб чиқмоқчи бўлган 34 нафар фуқарога 840 минг сўмдан зиёд жарима солиниб, 47 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Айрим фуқароларимиз эса етиштирилган пахта майдонларида чорва молларини қўйиб юборишмоқда. Сурхондарё вилоятида пайхон қилиш билан боғлиқ 240 ҳолат қайд этилди. Республика бўйича қорамолларини пахтазорга ҳайдаб юборган фуқаролардан 4,5 млн. сўмдан ортиқ ҳамда бир нафар хўжалик раҳбаридан 10 минг сўм миқдоридо жарима ундирилди. Йиғим-терим даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарурлиги бот-бот ўқтирилмоқда. Аммо шунга қарамай баъзан ёнғинлар юз берапти. Қайд этилган 4 та ёнғиннинг 2 таси Фарғона вилоятида бўлди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 1739 нафар шахсга 5,5 млн. сўмдан ортиқроқ жарима солинди. Шунингдек, қоидаларга амал қилмаган 518 нафар раҳбарлар маъмурий жазога тортилди.

Илҳом ЗИЁВИДИНОВ,  
ички хизмат майори.

ҚИНҒИР  
ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Пахта – миллий бойлигимиз. Уни талон-торож қилишга, нопок йўллар билан бўлса-да, даромад топишга уринаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Бундайлар орасида айниқса ўспиринлар ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Наманган вилояти Норин туманилик Анвар Мирзаев Учқўрғон туманидаги касб-хунара коллежида ўқийди. Пул топиб, рўзгор тебратиш ташвиши унинг гарданида эмас. Аммо ўз нафсини ўйлаб, эгри ишга қўл урди. Улар яшайдиган ҳовли этаги шундоқина тумандаги А. Шамшидидинов номли ширкат хўжалигининг пахта майдонига туташ. Ана шу ердан пахта териб, уйда яширин равишда тўплаб, қўшни қирғизистонликларга сотишни кўзлади. Пахта ўғирлаш жиноят экани, қалтис ишга қўл ураётганини яхши биларди. Шунинг учун пахтани уйдаги тарозида тортиб, сўнг ер остидаги “хирмонга” тўкарди. Ниҳоят ҳосил салмоғи 250 килога етгач, чуқурни кўмди. Энди бир оз сабр қилиш керак. Ишни қўйилмақом қилиб бажарган Анвар мўмай даромад ҳақидаги хаёллар билан юрарди. Аммо туманнинг Қўшчек қишлоғида истиқомат қилувчи Мирзаевлар ҳонадонидо яширин равишда сақланаётган пахтадан милиция ходимлари хабар топиб қолишди. Шу боис бу уйга Анваржон кутганидек ха-

ридорлар эмас, ички ишлар ходимлари кириб келишди.

Товуқхона ичидаги чуқур қавланиб, кўмиб қўйилган пахта далилий ашё сифатида олинди. Анвар Мирзаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари бошланди. Аммо унинг ҳали вояга етмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва ширкат хўжалигига етказилган зарар қопланганлиги инobatга олинди. Шунингдек, жабрланувчининг қонуний вакили ва айбланувчи ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят иши тугатилди. Лекин мазкур жиноят билан боғлиқ эътирозли мулоҳазаларимиз йўқ эмас. Наҳотки ота-она, оиладаги катталар Анварнинг қилмишидан беҳабар бўлсалар? Эндигина уни-ўсиб келаётган фарзанд ҳаётига нисбатан бундай бепарволик, эътиборсизлик билан ёндашиш унинг келажагига ўз қўлимиз билан болта уриш эмасми? Хушёрроқ бўлайлик. Зеро, фарзанднинг қандай инсон бўлиб улғайиши сиз билан бизнинг тарбиямиз, таъсиримизга боғлиқ.

Ножўя йўллардан ризқ излаган кимсаларга эса айтар сўзимиз шу: юқоридаги воқеани сабоқ деб билинг. Қинғир ишнинг барибир қийиғи чиқади.

Шокиржон МИРЗАЕВ.

## Фидойи ҳамкасбларимиз

## ЭЛ ХИЗМАТИДА ЧАРЧАМА, ЎҒЛИМ!



“Эл хизматини қилган кам бўлмайди, ўғлим. Бағримга яна соғ-саломат қайтгин”. Ҳар куни эрталаб Райхона ая ўғли Шухратжонни ишга ана шу сўзлар билан кузатади. Ўзи кўп йиллар пойтахтдаги бир қатор фабрикаларда меҳнат қилиб, эл хурматини қозон-

ган, давлат ва ҳукуматимизнинг бир қанча юксак мукофотларига сазовор бўлган, ая ҳозирда нафақада. Ўғли Шухратжон юридик коллежни тугатгандан кейин Шайхонтохур тумани ИИБда иш бошлади. Хушмуомала, вазифасини сидқидилдан бажариб, кўп жиҳатлари билан

сафдошларига ўрнатилган йўналишда туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимида катта инспектор бўлиб хизмат қиляпти. Милиция катта лейтенанти Шухратжон Ушураҳоновнинг орзу-нияти кўп. У ҳуқуқшунослик илмини мукамал эгаллаш мақсадида Тошкент юридик институтида сиртдан таҳсил олиш учун кириш имтиҳонларига ҳозирдан тайёргарлик кўряпти. Шухратжоннинг хизмат фаолиятида муваффақиятларга эришишида меҳрибон волидаси ва севаикли турмуш ўртоғи Раънохоннинг муносиб ҳиссалари бор. Ҳар гал улар Шухратжонни очик чехра билан кузатиб, яна кувонч билан кутиб оладилар.

**С. АБДУЛЛАЕВ,  
А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

## МАҲАЛЛАМИЗ ФАХРИ

Яқинда маҳалламизда бир воқеа рўй берди. Тошхўжаев кўчаси 48-уйга нотаниш киши кириб, қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетаётганда ён қўшнимиз Жўра ака Ҳақимов сезиб қолади ва ўғрини ушлашга ҳаракат қилади. Босқинчи Жўра ака билан яккама-якка олишишга кўзи етмай қуролини ишга солади. Қўли-оёғидан жароҳатланган Жўра ака Ҳақимов ўғрини узоққа қочиш кетишига йўл қўймайди ва атрофдагиларни ёрдамга чақиради. Маҳалла ўйингоҳида тўп тепаётган ўсмирлар унинг овозини эшитиб етиб келиб, ўғрини тутишди. Ҳалоскор қўшнимизни тезда касалхонага олиб борилди.

Жўра ака ҳақида икки оғиз сўз. Маҳалламизнинг бообрў кишиларидан бири, Тошканбой Ҳақимов бутун умрини милиция хизматига бағишлаган фидойи инсон эдилар. Унинг ўғли Жўра отасининг изи-

дан бориб, милиция хизматига ишга кирди. Кўп йиллар Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмида ишлаб нафақага чиққан. Ҳозирги кунда маҳалла фаоллари қаторида худудимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ишларида қатнашапти. Ибрат олса арзийдиган Жўра аканинг оиласида тўрт нафар фарзанд ўсиб вояга етляпти. Уй бекаси Умидахон саришта аёллардан.

Ж. Ҳақимовнинг хушёрлик кўрсатиб ўғрилиқнинг олдини олиш учун кўрсатган жасоратидан маҳалла аҳли жуда мамнун бўлди. Айни кунда у уйда ётиб даволаняпти. Қўни-қўшнилари тез-тез хабар олиб турибмиз. Фидойилик қонига синган истеъфодаги милиция старшинаси Жўра Ҳақимов билан фахрланамиз.

**Каромат КЕНЖАЕВА,  
Миробод тумани  
“Файзиобод” маҳалласи.**

Телефоннинг қаттиқ жиринглаши Жумабек Эсонкуловнинг хаёлини бўлиб юборди. Туман ИИБ навбатчилик қисмидан шошилиш хабар берилди:

– Ўртоқ милиция капитани, худудингиздаги алоқа бўлимида ўғрилиқ содир этилган. Тезкор гуруҳ таркибига сиз ҳам киририлгансиз. Гуруҳ ҳозир етиб боради.

Жумабек милиция таянч пунктдан бир чақиримча нарида жойлашган алоқа бўлимига етиб келиб, эшик, деразаларни кўздан кечириб, нималар олиб кетилгани ҳақида қизиқди.

– Эскироқ телефон аппарати, радиоприёмник, рация йўқолибди, – деди алоқа бўлими бошлиғи.

– Ичкарига бекор кирибсиз-да, ўғрининг изини олиш зарур бўлади, – деди Ж. Эсонкулов.

– Дераза панжарасининг олингани ичкарига киргандан кейин билдим, – деди алоқа бўлими бошлиғи.

Дераза ёнида ётган тугмага кўзи тушган Жумабек-

нинг чехраси гўё ноёб нарса тоғиб олгандай ёришиб кетди:

– Манави тугма янги узилгани кўриниб турибди, – дея уни дастрўмол билан олиб, елим халтага солди.

Бу пайтда етиб келган

лик қисмида ёрдамчи сифатида иш бошлаган эди. Унинг тиришқоқлиги, топширилган вазифага масъулият билан ёндашиши раҳбариятнинг эътиборини тортади. Бир қатор хизматларда инспекторлик қилади. Жумабек одамлар билан ишлаш олиши, хушмуомалалиги туфайли профилактика инспектори вазифасига ўтказилади. У бир неча йил нафақат туманда балки, вилоятда ҳам йирик ҳисобланган “Қизилқум” қорақўлчилик хўжалиги худудида профилактика инспектори бўлиб ишлади. Ўтган йилдан бошлаб эса Янгиқошқоқ шаҳарчасидаги маҳаллаларда фаолият кўрсатяпти.

Уни доимо одамлар орасида учратиш мумкин. Шаҳарча аҳли унга жуда ўрганиб қолишган, ҳар қандай масалада тортинмай мурожаат этаверишади. Чунки Жумабек Эсонкулов имкони борича уларнинг муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилади.

**Ўринбой  
НОРМУҲАММАДИЕВ,  
истеъфодаги милиция  
майори.**

**Хоразм вилояти ИИБ  
ЙҲХБ да узоқ йиллар хизмат қилган бир гуруҳ фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, милиция подполковниги Ҳ. Хусаинов очиб, йиғилганларни касб кўни билан қутлади. Шундан сўнг Шарифбой Матназаров, Самандар Худоёров, Эркин Маткаримов ва бошқалар сўзга чиқиб, ёш ходимларга хизмат хотираларидан гапириб беришди.**



Суратда: вилоят ИИБ ЙҲХБ ИПХ катта инспектори Умрбек Рўзметов устози, истеъфодаги милиция майори Шарифбой Матназаровни касб кўни билан табрикламоқда. Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ҲАМИША АДОЛАТ  
ҚАРОР ТОПСИН

Кўпчилик ҳуқуқшунослар Фарғона вилояти ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Раҳмонжон Алихоновни “кучли одам” деб таърифлайдилар. Сабаби, Р. Алихонов ўз ишини мукамал билади. Бир неча йилдан буён Раҳмонжон вилоят ИИБ тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари лавозимда ишлаб келмоқда.

– Ота-онам оддий деҳқон бўлишган, – дейди у. – Бағдод туманидаги Қорақўл қишлоғида туғилганман. 1981 йилда ИИБ Тошкент олий милиция мактабига ўқишга кирдим. Уни тамомлаб, Тошкент шаҳрининг ҳозирги Шайхонтохур тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлимида иш ўргандим. Сўнг Фарғона вилояти ИИБ ихтиёрига юборилдим. Тергов бўлимида иш бошладим. Бу ерда хизматимнинг дастлабки йилларида мен малакали терговчилар Шодмон Усмонов, Қахрамон Содиқов, Воситжон Нуритдиновлардан тергов сирларини ўргандим. Бағдод, Учкўприк тумани



ИИБ ТБларда раҳбар бўлиб ишладим. 1996 йилнинг августидан бошлаб ҳозирги лавозимда ишлаб келаяпман. Республикаимиз мустақилликка эришгач тергов ходимларининг малакасини ошириш ишлари яхшиланди. Бу хизматга фақат олий маълумотли ҳуқуқшунослар олинган бўлди. Бу эса иш сифатини оширди.

Аввал терговчининг иши нечта жиноят ишини судга юборгани, қанча шахсни жавобгарликка тортгани билан баҳоланган бўлса, ҳозир терговчига бажарган иши сифа-

тига қараб баҳо берилади. Бу эса терговчидан кучли билим, тажриба қонунчиликдаги ҳар бир янгиликни пухта ўзлаштиришни талаб қилади.

Терговчи жиноят ишини тергов қилишга киришар экан, шу ишга оид барча қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яна бир бор ўрганиши – тақдорлаши зарур. У ўзини ҳам жабрланувчи, ҳам айбланувчининг ўрнига қўйиб жиноят содир этилган ҳолда ўзи қай ҳолатга тушиши ва қандай ҳаракат қилиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўриши керак. Қола-

верса, айбланувчига, жабрланувчига ва гувоҳларга инсон сифатида қараши, уларни тушуниши даркор.

Ҳаётда шундай ҳолатлар учрайдики, жабрланувчи ёки гувоҳ вазиятдан келиб чиқиб, воқеани содир бўлгандан бошқачароқ қабул қилади. Бунга шахснинг жисмоний, маънавий камчиликлари, ҳодисани кўриб турган жойи сабаб бўлади. Шунинг учун терговчи, гувоҳ бошқаларга нисбатан бошқачароқ кўрсатма берса бирдангина “ёлғон ёки бирор шахснинг фойдасига кўрсатма берапти” деб шубҳа қилмасдан, ҳолатни таҳлил қилиши керак. Хизматимизда, афсуски, ҳанузгача эскича фикрлаш, кўрсаткичларни инсон тақдирдан юқори қўйиш ҳолатлари учрайди. Иш ҳолатини тўлиқ ўрганмасдан, “юқоридаги”ларнинг берган фикрларига ишониб қолиш, мустақил фикрга эга бўлмасдан бировнинг айтганларни бажаришга ҳаракат қилиш, қонунни, адолатни қарор топтириш учун охиригача тортишмаслик, “катталарга” ёмон кўришиб қолишдан кўрқиб қабилар кам бўлсада, учраб туради. Аммо буни вақтида аниқлаб, қонуний иш кўрилишини таъминлаш.

**М. КИМСАНБЕКОВ.**

Суратда: милиция подполковниги Р. АЛИХОНОВ.

## МИННАТДОРЧИЛИК

КАМ  
БЎЛМАНГЛАР!

Самарқанд шаҳридаги Сартеп мавзеси 73-уй 33-хонадонда яшаймиз. Номалум кишилар уйда ҳеч ким йўқлигида бир қанча буюмларни ўғирлаб кетишибди. Бу ҳақда тезда Боғишамол тумани ИИБга мурожаат этдик. Навбатчилик қисми ходимлари шошилиш ҳаракатга тушдилар. Жиноят қидирув хизмати ходимлари А. Тўраев ва Ш. Икромовлар тезда етиб келишди. Уларнинг сазй-ҳаракатлари билан ўғри ушланиб, буюмларимиз қайтарилди. Биз бу фидойи милиция ходимларидан миннатдоримиз.

Оила аъзолари номидан  
**Н. МАҲМУДОВ.**

ИНСПЕКТОРГА  
РАҲМАТ!

Яқинда оиламиз бошига ташвиш тушди. Тўй қилсам, сотиб харажатларга ишлатарман деган умидда боқайтган сигиримни ярим тунда номалум шахслар ўғирлаб кетишди. Бу ҳақда милиция таянч пункти профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Абдумажид Абдуллаевга мурожаат қилдик. У маҳалла посбонлари билан биргаликда бир кеча-кундуз қидирув ишларини олиб борди. Ниҳоят сигирим ҳам, ўғриллар ҳам топилди.

Халқнинг гам-ташвишини енгиллаштириш, осойишталикни таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилаётган Асака туман ИИБ профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти А. Абдуллаевга оиламиз номидан самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Ибодулло АҲМАДАЛИЕВ.

Тўйхат ўрнида



**Эртага ИИВ фахрийси, республикада хизмат кўрсатган шифокор республика ИИВ тиббиёт хизматида узоқ йиллар раҳбарлик қилган, истеъфодаги ички хизмат полковниги Рауф Холматов тавридан 85 ёшга тўладилар.**

**Вазирлик тизимидаги катта ёшдаги тиббиёт ходимларининг анча-мунчасига у киши устозлик қилганлар. Ёшлар бу инсондаги урода кучига, интилувчанликка, касб маҳоратида том маънода ҳавас қилсалар арзийди.**

... 1947 йилда Р. Холматов ИИВ санитария бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Ўша йиллари ички ишлар идоралари ходимлари шаҳар касалхоналарида даво-

ланишарди. Рауф Холматов уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган алоҳида стационар очиш ташаббуси билан чиқди. Ўзининг ҳақлигини асослади, исбот-

## МЕҲРИБОН УСТОЗ

лади. Натижада тез орада ана шундай стационар ўз фаолиятини бошлади.

1954 йилда Р. Холматов ИИВ касалхонасига бошлиқ этиб тайинланди. Бино капитал таъмирга муҳтож эди. Рауф Холматов барча талабларга жавоб берадиган янги даволаш муассасаси қуриш таклифи билан чиқди.

1961 йилда Р. Холматов яна ИИВ тиббиёт бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Ниҳоят у 200 ўринли касалхона биноси қурилишига рухсат олди. Қурилиш ишлари икки йил давом этди.

Янги тиббиёт муассасаси энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эди. Бу ерда ишлаш истигини билдирган номзодларга ҳам юксак талаблар қўйилди.

Бу катта ишнинг дебачаси эди. Кейинроқ Р. Холматов маслакдошлари билан вилоятларда ҳам ана шундай стационарлар барпо қилиш йўлида куч-ғайратини аямади. Тез орада Наманган, Бухоро ва Самарқандда вилоятлараро касалхоналар илк беморларни қабул қила бошлади.

Айнан Рауф Холматовичнинг ташаббуслари, саъй-ҳаракатлари туфайли Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИВ қошида ва Тошкентда тиббиёт хизматлари, ҳарбий-тиббий ҳайъатлар ва поликлиникалар ташкил этилди. Республика ИИВ Марказий поликлиникаси, амбулаториялар, санитария-эпидемиология станциялари ҳам шу жумлага кирди. Ўша йилларда пенитенциар тизим муассасаларида жазо муддатларини ўтаётган маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам кўп ишлар қилинди.

Рауф Холматович кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ёш тиббиёт ходимларини тарбиялаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам катта эътибор берарди. У авваломбор ўзи интизом-

ли эди, масъулиятни чуқур ҳис қиларди, бошқалардан ҳам шуни талаб этарди. Рауф Холматовични яхши билганлар унинг қўл остидагиларга ғамхўр, меҳрибон бўлганини таъкидлашади. У ҳамisha ходимларнинг иш ва дам олиш шароитини яхшилаш борасида қайғурарди, ҳамкасбларидан ёрдамни аямасди.

Ёши анчага борганига қарамай Р. Холматов бугун ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази аъзоси сифатида ёшларга, қолаверса катталарга ҳам маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турибди.

Биз кадрдон фахриймизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

**Республика ИИВ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси.**

### Саломатлик сабоқлари

## ШАМОЛЛАШДАН САҚЛАНИНГ!

Ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, пасайиши, кўтарилиши, намликнинг ортиши натижасида шамоллаш келиб чиқади. Бу кўпгина касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Тумов, ангина, ларингит, фарингит, бронхит, йўтал, трахеит, зотилжам, грипп каби касалликлар шулар жумласидандир. Айниқса, куз, қиш, баҳор фаслларида об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши боис, организмимиз нимжон, чиниқмаган, қаршилик қобилияти паст ёш болалар ва катталар шамоллаш хасталикларига кўпроқ чалиниб туриши кузатилган.

**“Йил фасллари ўзгаришлари ҳар бир иқлимда бирор-бир касалликни кўзгатади. Йил фасллари ўзига хос бўлган хусусиятлари билан келиши керак. Агар бу мувозанат бузилса, ёмон касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади”.**

Абу Али Ибн СИНО

Маълумки, инсон организмидеги совуқ-иссиққа энг таъсирчан аъзолар оёқ ва юқори нафас йўллари ҳисобланади. Улар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, агар оёқдан совуқ ўтса, организмда ҳарорат пасайиб бу юқори нафас йўллари ҳам таъсир қилиши аниқланган. Одатда шамоллаш кишини дастлаб акса уриш, томоқ қирлиши, бурун оқиши, лоҳаслик, кайфиятнинг тушиши, бошнинг оғриши билан кечади.

#### ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР:

- Шамоллаш хасталиклари аломатлари сезилса зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш лозим.
- Салқин, намгарчилик ва совуқ вақтларда бемор оёқларини иссиқ туттириш, бошини эҳтиёт қилиши, шамол турганда яхшилаб ўраниб олиши тавсия этилади.
- Кийимлар мавсумга мос бўлиши керак.
- Организмининг об-ҳаво ўзгаришига тезда мослашиш учун душ, ҳаво, сув, қуёш ванналари қабул қилиб туриш, бадантарбия, спорт билан шуғулланиш ва кўпроқ тоза ҳовода пиёда сайр қилиш кони фойда.
- Беморларга дармондори ва минерал моддаларга бой сифатли овқатлар, ҳўл мева, сабзавот, кўкатлар, сут маҳсулотлари истеъмол қилиш тавсия этилади.
- Организмининг қаршилик қобилиятини ошириш учун 100 г ёнғоқ мағзи, 100 г қирилган олма, лимон шарбати, бир ошқошиқ тоза асал аралашмасидан кунига 2-3 маҳал овқатдан 20 дақиқа олдин катталар бир ошқошиқдан, болалар эса бир чойқошиқдан истеъмол қилишлари лозим.
- Саломат бўлай десангиз, соғлом турмуш тарзига амал қилиб, зарарли одатлардан (спиртли ичимликлар, тамаки, нос чекиш ва бошқалар) воз кечишингиз керак.

Сафар МУҲАММАДИЕВ.

Сабзини шифокорлар баъзан ана шундай аташади. Чунки у турли дармондорилар, маъданли бирикмаларга бой. Сабзи организмнинг қаршилик қобилиятини оширади. У юзни тиниқлаштириб, соч илдизларини мустаҳкамлайди.

Унинг таркибидаги каротин моддаси организмга тушгач, А дармондорисига айланади. Айниқса, сабзини хом ҳолда истеъмол қилиш фойдали. Унга бир чой қошиқ ўсимлик ёғи ёки қаймоқ (сметана) қўшиб еган маъқул.

Бу сабзавотнинг шифобахш хусусиятларидан бири кўз тўр пардасини мустаҳкамлашидир. Бутун дунё шифокорлари узоқни яхши кўролмасликдан, шабқўрликдан, кўзи тез толиқишидан қийналадиган кишиларга ҳар кун сабзи истеъмол қилишни бежиз тавсия этишмайди.

Кўз касалликларига чалинганлар эрталаб оч қоринга бир стакан сабзи шарбати ичишса, кун бўйи ўзларини яхши ҳис қилишади. Фақат бир чой қошиқ ёғ қўшишни эсдан чиқармаслик зарур. Акс ҳолда нафи бўлмаслиги мумкин. Сабзи шарбати ични юриштиради, юзни силлиқлаштиради, жисмоний ва руҳий қувват-

ни оширади. Шамоллаганда у билан томоқ чайиш ҳам фойдалидир. Кучли йўталда, томоқ бўғилганда асал қўшилган сабзи шарбати ичиш керак. Унинг сут билан аралашмаси бронхит астма хуружларини даф қилишда ёрдам

рақдаги кум ва майда тошларни туширади.

Барглари чой каби дамлаб ичилса, бавосир касаллигини даволаш, унинг олдини олишда нафи тегади.

Сабзи яраларни битириш хусусиятига ҳам эга. Янги қирилган сабзини докага ўраб йирингли яралар, куйган, совуқ олган жойлар ва шишларга қўйиш керак. Бу ажойиб сабзавот пардоз-андозда ҳам ишлатилади. Юз териси қуруқ бўлган аёллар майда қирилган сабзига тухум сариғи ва асал қўшиб ниқоб қилишса (юзларига қўйишса), терини юмшатади, силлиқлаштиради. Унга лимон шарбати қўшиб, юзингизга босангиз, сепкил ва хуснбузарларни кетказида.

Сабзининг энг фойдалиси оғирлиги 150 граммгача бўлганларидир. Улардан йирикларидан нитратлар кўп. Сабзининг юқори қисми пастига қараганда каротинга бойроқ. Пўстлоғи ва мағзи ҳам ўзагидан кўра фойдали. Шунинг учун сабзини эҳтиёткорлик билан қириб тозалаш керак. Ўз томорқангизда етиштирилган сабзининг пўстини арчиб ўтирмасдан, чўтка ёрдамида ювиб истеъмол қилган маъқул.

## МИТТИ «ДОРИХОНА»

беради. Аммо ўн икки бармоқли ичак яраси, энерит хасталигига чалинганлар сабзи шарбатини истеъмол қилмасликлари лозим. Сабзи йод моддасига бой бўлиб, қалқонсимон без фаолиятини яхшилади, семириш ва атеросклероз (қон томирларида тиқилмаларнинг пайдо бўлиши)нинг олдини олади, уларни даволайди.

Янги кавлаб олинган сабзини истеъмол қилсангиз, жигар, буйрак, юрак-қон томир тизими хасталикларига шифо бўлади. Унинг уруғи дамламасини совутиб, тинитиб, сиздириб, кунига 3-4 марта ярим стакандан ичсангиз, буй-



## ОИТС ҲАМОН «УЙҒОҚ»

Грецияда сўнгги 10 йил давомида ОИТСга чалинганлар сони қарийб уч баробарга ошди. Асосан 25-35 ёш оралиғидагилар ва гайриоддий жинсий алоқаларга мойил шахслар хасталикка гирифтор бўлишди.

Хусусан, аёллар орасида беморлар сони ортиб бораётти. Тахминларга кўра мамлакатда беморлар сони бундан ҳам кўп. Фақат одамлар аксар ҳолларда буни сир туттишади. Бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам аҳвол яхши эмас.

## ОВҚАТЛАНИШДАН ОЛДИН ҚЎЛНИ ЮВИНГ!

Шифокорларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, АҚШда йилига 40 миллион киши овқатланиш олдидан қўлини ювмаслиги оқибатида турли касалликларга чалинишяпти.

Массачусетс штати шифокорлари қизиқarli тажриба ўтказишди. Улар хоҳловчиларнинг бармоқларига оқ упа суркашди. Ярим соатдан кейин ўша кишиларнинг кийимлари, авторучкалари, ўриндиқлари, сочлари, юзлари упа юқи бўлди. Демак, одамлар турли нарсаларга беҳосдан текканларини ўзлари пайқаймайдилар. Натижада турли бактерияларни юқтириб оладилар, тарқатадилар.

Тадқиқотчилар яна бир антиқа тажриба ўтказишди. Улар ҳожатхоналарда олти минг нафар эркак ва аёлнинг хатти-ҳаракатини кузатишди. Маълум бўлишича, ҳожатларини раво қилгач аёлларнинг 74 фоизи, эркакларнинг эса 61 фоизини кўллари ювишар экан. Мутахассисларнинг фикрича, қўлни сув оқими остида кунига 30 сония, янаям яхшиси, бир дақиқа ювиш керак.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



# UCHINCHI «Поетга» gazetasi

## gazetasining ilovasi

# TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR,  
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Бундан 30 минг йил аввал Ер юзида даҳшатли фожиа юз берди. Бутун бошли неандерталлар қирилиб кетди. Уларнинг ўлимига метеорит, муз босиши, касалликлар ёки ваҳший ҳайвонлар сабаб бўлмади. Уларни гомо сапиенслар қириб юборишди.


Неандерталлар неча юз минг йил мобайнида Европада яшашган. Уларнинг юз тузилиши бизниқига ўхшаб кетар, ҳатто мияси бизниқидан каттароқ бўлган. Эркаларнинг бўйи ўртача 1,65 м келган, аёллари хиёл пас-троқ бўлишган. Шу бўй билан 90 килога яқин вазнини солиштирсангиз, улар миқтидан келган, мускулдор бўлганлигини тасаввур этишингиз қийин эмас.

лик билан ҳам кун кўришган.

Демак, улар бир-бирларини бундан 40 минг йиллар илгари овлай бошлашган. Бизнинг ирқимизга мансублар айнан ўшанда илк бор Европада пайдо бўлишган эди. Ўртадаги қирғин-барот уруш 10 минг йил давом этди. Неандерталларнинг сўнгги вакиллари Испаниянинг энг жанубий қисми – Гибралтар худудида, Далмация тоғларида сақланиб қолишди. Кейинроқ улар ҳам

бошқа мавжудотлар билан яшаш учун кураш натижасида қирилиб битган деб ҳисобланарди.

1997 йилда булутсиз осмонда чақмоқ чаққандек бўлди. Мюнхен университети тадқиқотчилари илк бор топилган неандерталнинг қолдиқларини текшира туриб



## БИРИНЧИ ГЕНОЦИД ҚАЧОН СОДИР ЭТИЛГАН?

Бизга шу нарса маълумки, неандерталлар ўзларининг бошқа одамсимонлардан фарқ қиладиган маданиятини яратишган. Улар оловдан фойдаланиш, тошдан қуроллар ясашни билишган. Фақат уларнинг қурол ясаш технологияси бизнинг аجدодларимиз бўлган гомо сапиенсларниқидан фарқ қилган. Неандерталлар кейинроқ Яқин Шарққа – Фаластинга ҳам боришган. Ўшанда ҳам ота юртлари – Европада усталари ясаган меҳнат ва ов қуролларини ўзлари билан олиб юришган.

Бундан 40 минг йил аввал неандерталлар мурдаларни кўма бошлашган. Айни шу пайтда илк, ибтидоий тақинчоқлари пайдо бўлган: бўйинларига ҳайвонларнинг тишларидан иборат “маржон” осиб юришган. Ер тарихида фақат гомо сапиенслар ва неандерталларгина ўликларни дафн этишган ҳамда тақинчоқ тақишган.

Уларга катталарни ҳурмат қилиш одати ёт эмасди. Неандерталлар қолдиқлари орасидан 50 ёшли эрканинг суяклари топилди. Ўша пайтдаги ёш ўлчовлари бўйича у мункиллаб қолган чол бўлган. Оғзида бирорта ҳам тиши қолмаган. Демак овқат чайнай олмаган, қабиладошлари ҳурмат юзасидан унга чайнаб беришган. Қизиқ, улар гаплаша олишганмикан? Танглайларнинг тузилишига қараганда неандерталлар гапириш қобилиятига эга бўлишган.

Улар туғма овчилар

бўлишган. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биргаликда ов қилишган. Таомномаларини унча бой деб бўлмайди. Илдизлар ва мевалар билан кун кўришган. Асосан гўшт истеъмол қилишган. Неандерталларнинг манзилгоҳларидан турли ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган суяклари топилди. Шунингдек, улар орасида бизнинг аجدодларимиз – гомо сапиенсларга тегишли суяклар ҳам бор эди. Айни пайтда гомо сапиенсларнинг қадимий маконларида эса неандерталларнинг скелетлари бор эди. Яъни ҳар иккала тур бир-бирининг кушандаси бўлган, одамхўр-

изсиз йўқолди. Бизнинг аجدодларимиз эса сақланиб қолишди.

Илк бора Германиядаги Неандерталь водийсида уларнинг қолдиқлари топилган 1856 йилдан бошлаб узоқ вақт давомида олимлар бу фактни оддийгина изоҳлашарди. Дарвин таълимотига асосланиб неандерталлар инсониятнинг қадим аجدодлари деб эълон қилинган эди. Улар одамсимон маймунлар ва одамлар ўртасида оралик бўлган ҳисобланган. Неандерталларнинг одамга айланганлари айлиниб, қолганлари аста-секин табиий танланиш туфайли

оламшумул хулосага келишди. Палеонтолог Сванте Паабо 328 та нуклеотид занжирини ўрганиб неандерталлар ва ҳозирги одам генлари ўртасида жуда ҳам катта тафовутлар мавжуд деган тўхтамга келди. Бу улар ўзаро қариндош эмас деганидир. Ушбу маълумотларни 1999 йилда Грузияда ўтказилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлади. Цюрих университетидан ҳам шов-шувга сабаб бўладиган янгилик олинди. У ерда испаниялик Марсия Тонсе де Леон ва швейцариялик Кристоф Цолликофер икки ёшли неандерталь ва ҳозирги замон одам боласининг бош чаноғини солиштиришди. Улар ҳар икки тур вакилининг бош суяклари турлича шаклланган деган хулосага келишди. Бу икки ирқ генофонди жиддий фарқланишидан дарак берарди.

Ана шу маълумотларга асосланиб АҚШ ва Европадаги қатор олимлар неандерталлар ҳозирги замон одамларига аجدод ҳам, қариндош ҳам бўлмаган деган хулосага келишди. Турлар қонунига кўра улар ўзаро чатишиб, насл кўришолмаган. Хуллас, неандерталлар сайёраимиздаги тадрижий тараққиёт туфайли пайдо бўлган алоҳида ақлли мавжудот эди. Ўзларининг мустақил маданиятини яратишган ва бизнинг аجدодларимиз томонидан ўзаро кураш туфайли қириб юборилган. Улар ўликларни кўмиш, тақинчоқлар тақишни ўзларидан кўра маданияти тараққий топган гомо сапиенслардан ўрганишган.

Эски қараш тарафдорла-

ри учун бу қутилмаган ҳол эди. Дарвин таълимоти бир вақтнинг ўзида икки хил инсоният пайдо бўлишини инкор этарди. Бундан гомо сапиенслар сайёрани босқинчилик ва уруш йўли билан ўзига ўхшаган маданият мавжудотларга қирон келтириб эгаллаган деган хулоса чиқади. Ярим миллион йилга яқин Ер юзида яшаган неандерталлар шу тариқа қирилиб кетган.

Қазилма ишлари улар узоқ давр Европада аجدодларимиз билан ёнма-ён яшашганини кўрсатади. Ҳар қайси гуруҳ ўз ов худудига эга бўлган, бир-бирининг ерига ўтмаган. Аммо одамлар гўшдан ташқари, бошқа табиат неъматлари билан озиқланишни ҳам яхшироқ билишган. Овчи неандерталлар ўлжа излаб узоқ-узоқларга боришган. Қайтиб келишганида маконлари бегоналар – одамлар томонидан эгалланганини кўришган.

Аждодларимиз қандай устунликка эга бўлишган, қайси хусусиятлари ҳисобига бу курашда ғолиб чиқишган деган савол туғилади. Ҳойнаҳой, одамлар бир-бирлари билан тезроқ ва осонроқ алоқага кириша олишган. Улар ўзаро келишиб, биргаликда қиладиган хатти-ҳаракатларини яхшироқ мувофиқлаштиришган, умумий душманларига қарши усталик билан курашишган. Шу тариқа инсоният тарихидаги илк геноцид бундан 30.000 минг йиллар илгари содир этилган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



### Хоҳ ишонинг, хоҳ...

**Бу ғаройиб воқеа Белорусь Республикасининг чекка қишлоқларидан бирида юз берди. Витебск вилояти Тишково қишлоғида яшовчи одамлардан сўрасангиз, воқеани оқизмай-томизмай айтиб беришади.**

**Бу ерда 50 тача ҳовли бор. Қишлоқ ҳаётини ўзингиз биласиз, анча зерикарли. Айниқса, оқшомлари. Ўсмирлар орасида энг шўхи "Човғум" лакабли Женька Савелич эди. Оқшом тушиши билан у тенекурларини ўрмонга бошлаб кетарди. Улар иккинчи Жаҳон уруши давридан қолган ерости бункерига кириб, қўлбола арок (самогон) ичишарди.**

Бошқа бир йигитчанинг онаси Света Толстоногова дастлаб руҳоний тақиқлаганини айтиб, юз берган воқеа ҳақида гапиришдан чўчиди. Сўнг қўл силкиб гап бошлади:

– Сизлар фақат тўғриси эзинглар. Бўлмаса, қўшни қишлоқдагилар бизнинг болаларимизни сеҳр-жоду билан шуғулланишади, деб ўйлашпти.

Аввал ўғлим озиб-тўзиб кетаётганини пайқадим. У шундоқ ҳам ичимдагини топ қабилдаги болалардан эди. Сўнгги пайларда у баттар камгап бўлиб қолди. Фақат бир куни: "Ойи, менинг хочим



# ШАРПАЛАР

## ҚИШЛОҚҚА ҲУЖУМ ҚИЛИШДИ

Тишковоликлар бу ерларга энди яқин йўламасликка ҳаракат қилишади.

Юз берган воқеалардан сўнг Андрей Роденко Витебск шаҳрига кетди. Ҳозир локомотив депоси-

да ишлапти. У истар-истамай куйидагиларни гапириб берди:

– Ҳар оқшом ичардик, гулхан ёқиб, қўшиқлар айтардик. Бир куни ғалати шарпаларга кўзим тушди. Иккинчи, учинчи кун ҳам шу

хол такрорланди. Аввалига ўртоқларимга индамадим. Улар "Андрей мастликдан алжираяпти, унинг томи кетиб қолибди", – деб кулишларидан кўрдим.

Кейин билсам, шарпалар бошқаларнинг ҳам кўзига кўринар экан. Човғум: "Кимсизлар? Бу ёққа келинлар! Исинамиз, ичамиз, ҳангомалашамиз!" – деб бақирди. Кетидан болаҳонадор сўкишларни қаторлаштирди. У сўкинмасдан гапиролмайди. Ҳеч ким келмади. Кечаси уйга қайтаётганимизда орқамга ўгирилиб қарасам, ўрмон четида харбий кийимдаги кишилар туришарди...

қаерда?" деб сўраб қолди. Кейин уйдаги муқаддас сув солинган идиш йўқолди.

Ўша куни ҳовлида кирларни ёяётган эдим. Қўшни бола девор ортидан қараб:

– Света хола, Димка ўрмонга аскарлар билан урушгани кетди, – деб қолди.

"Қанақа аскарлар билан урушди, қишлоғимиз яқинида харбий қисм йўқ-ку", деб ўйладим. Ўрмонга югурдим. Қарасам, беш нафар ўсмир жар лабида ўрмонга тикилиб туришибди. Ҳаммасининг қўлида таёқ, сувли банка. Ўғлимнинг ёнига бордим.

– Ойи, сиз барибир ишонмасдингиз, – гўлдиради у.

– Нега ишонмас эканман, – дедим, лекин ўзим ўғлим жинни бўлиб қолмадимикан, деб кўрқаман. – Ҳозир аскарлар билан урушмоқчисизлар, шундайми?

У титраб-қалтираб ялинишга тушди:

– Тўғри, онажон, ёрдам беринг! Ана, улар яқинлашишди.

Мен ҳеч кимни кўрмасдим. Болалар таёқларини ташлаб, бақи-

риб-чақириб қишлоқ томон қочишди. Мен уларнинг кетидан югурдим. Тепамизда оқ чағалайлар чарх уришарди. Ваҳоланки, илгари ҳеч қачон қишлоғимиз атрофида уларни кўрмаганман. Кейинроқ руҳоний кушлар халоскор фаришталар эканини айтди.

Валя хола (Валентина Наумовна Шилина) шу пайт эчкиларини кўрага қамаётган эди.

– Қарасам, Света болаларнинг кетидан югуриб келяпти ва менга: "Буларнинг ота-онасини чақир, бизнинг ҳовлимизга келишсин", – деб бақирди. Тезда катталар тўпланишди. Болалар титраб-қалтираб бошларидан ўтган воқеаларни айтиб беришди.

Бир куни боши боғланган, бир қўли йўқ, гимнастёрка кийган киши келиб:

– Бўлди, болалар, ўйнаб-қулганларингиз этади, – дедан.

Шундан кейин уларни бир қўл, бир оёқ, ярадор шарпалар таъқиб қила бошлаган. Бу икки ҳафта давом этган. Сўнг офицер кийимидаги киши болаларга ўладиган кунларини тайинлаган.

... Болалар "Шарпалар ҳовлида тўпланишди", – деб бақирди. Светлана ташқарига чиққанида ҳақиқатан ҳам кимдир бордай туюлди. У тиз чўкиб ялина бошлади: "Йигитлар, азизларим, бизнинг тентак болаларимизни кечиринглар! Сизларнинг ҳам оналарингиз бўлган-ку..."

У қайтиб уйга кирганда Колянинг тутқаноғи тутиб, ерга ётиб олганча бегона эркак овозида гапира бошлади: "Мен 158-дивизия 4-рота командириман. Болаларингиз мазорларимизни оёқости қилишди. Буни кечириб бўлмайди. Улар ўлимга маҳкум".

Светлана яна ялинишга тушди, мазорда дуо ўқиш учун руҳонийни олиб келишини айтди.

Катталар туни билан дуо ўқиб чиқишди. Эрталаб болалар аскарлар кетганини айтишди. Кимдир Витебскда шайтону шарпаларни ҳайдай оладиган руҳоний борлигини эслади. Қишлоқ вакиллари унинг олдига боришди. 83 ёшли руҳоний – Антоний ота азалдан ҳукм суриб келаётган расм-русумларни бажо келтиргач шарпалар қишлоқни тарк этишди.

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**



## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Республика ИИБ Ташкилий инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги **Анатолий Меликович ЖҰРАЕВ**га!

Ҳурматли **Анатолий Меликович!** Сизни 50 ёшга тўлган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ ва мазмунли умр, мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва хизмат фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

Кўп йиллар ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, ўзининг яхши фазилатлари билан жамоамиз ходимларига ўрнак бўлган истеъфодаги милиция майори **Садриддин АШУРБОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Сафдошимиз, устозимизнинг узоқ йиллар соғ-саломат бўлиб, шогирдлари, фарзандлари камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Аллоҳдан сўраймиз.

**Пойарик тумани ИИБ жамоаси.**

Бухоро тумани ИИБ ЖК ва УЖҚБ тезкор вакили, милиция капитани **Сулаймон ЖОНИКУЛОВ**ни туғилган куни билан чин дилдан табриклаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, машаққатли ва шарафли хизматида катта ютуқлар тилаб, оиламиз ва яқинлари бахтига доимо саломат бўлиб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

**Онла аъзолари ва яқинлари.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

## Келгуси ҳафта учун



**ҚҮЙ.** Тўлаётган ой кўнглингизга ўтирмаган ишлар билан шуғулланишингиздан дарак беради. Кўп вақтингиз ва маблағингиз бекорга соврилади. Атрофингиздагилар билан муносабатларингиз ҳам вақтинчалик ёмонлашади. Қулай кунлар чоршанба ва пайшанбадир.



**СИГИР.** Ҳамон воқеаларга таъсир этиш бўйича имконингиз чекланган. Кўп вақтингиз нималардандир ўзингизни тийишга мажбур бўласиз. Ҳафтанинг ўрталаридан бошлаб баъзиларингизга омад кулиб боқа бошлайди. Соҳангиз бўйича жиддий, салмоқли ишни сизга ишониб топширишлари мумкин. Сўнгги икки кун ичида Ой тугилиши натижасида атрофингизда кўп нарса ўзгариши мумкин.



**ЭГИЗАКЛАР.** Дастлабки икки кун ишонангизда қатор чалқашликлар ва тушунмовчиликларга дуч келасиз. Аммо ҳафта ўртасида молиявий аҳволингиз барқарорлашади, ишингизда янаям юксакроқ чўққиларни кўзлай бошлайсиз, октябрь ойидаги кўнглисизликлар унут бўлади. Ижодкорларни ижодий парвозлар кутади.



**ҚИСКИЧБАҚА.** Бу ҳафта сизга умуман шошмасликни маслаҳат берамиз. Кўнглингизга тугиб юрган режаларингизнинг амалга ошиши сизга муваффақият келтиради. Чоршанба ва пайшанба кунлари воқеалар ривожининг ниҳоятда тезлашиши бир неча соат ичида аҳволингизни тубдан яхшилайди.



**АРСЛОН.** Қандайдир муҳим тақдирот маросимига қизгин тайёргарлик кўришингизга тўғри келиши мумкин. У ҳафта ўртасида муваффақиятли ўтади. Душанба-сешанба кунлари ҳамкорлик ҳақидаги таклифларга ишонмаганингиз маъқул. Шахсий муносабатларда ҳам тушунмовчиликларга дуч келишингиз эҳтимоли бор. Агар ишдан кўрқмайдиган бўлсангиз, оддийгина таклифлар ҳам омад келтириши мумкин.



**БОШОҚ.** Саломатлигингиз яхшиланиб боради, ишларингиз эса чоршанбадан бошлаб изига тушади. Чоршанба ва пайшанба кунлари имкониятларингиз ошгандан ошади. Ишда, уй-жой масаласида, қўйинг-чи, ҳамма жабҳада омадингиз чопади. Дастлабки икки кунда муҳим ҳарорлар қабул қилманг. Аммо барибир баъзи қилгилсиз учрашувлар юз бериши мумкин. Имкониятларингиз ўзингиз уйлаганингиздан анча кенг бўлади.



**ТАРОЗИ.** Ҳаётингизда янгилашишлар юз беради. У билан боғлиқ ижобий натижалар, руҳий ва ақлий юксалиш яқинлигини ҳис қиласиз. Яшанба кунги Ой тугилиши чоғида дўстларингиз билан молиявий ва бошқа масалаларда баҳслашишдан ўзингизни тийинг.



**ЧАЁН.** Ҳозир ҳаммадан ҳам кўра сизга қийин, Чунки турли-туман воқеалар, шахсий муносабатлар сиздан ўз ечимини кутади, меҳнатингиз маҳсулидан баҳраманд бўласиз. Ҳафта бошида яхшиси жиддий музокаралар олиб борманг, ҳар қандай ахборотни жиддий текшириб кўринг. Ҳафта охирида эса ҳаётингизда катта ўзгаришлар бошланади.



**ҲҲ.** Ҳафта мобайнида фаоллигингиз ошиб боради. Анчадан буён интилиб келаятган нарсанингиз ўртача миқдорда қўлга киритасиз. Бу қарз, уй, иш ва шунга ўхшашлар бўлиши мумкин. Сийсатчилар ва йирик ишбилармонлар давлат кўмагидан умидвор бўлиши учун қулай пайт. Аммо таваккал қилиш керак эмас.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Бу ҳафтада бир қанча кенг қамровли ва катта ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборасиз. Улар қўллаб-қувватланади ҳамда яхши самара беради. Меъёрида таваккал қилсангиз, зиёни йўқ. Ақсинча, сизга муваффақият келтирадиган янги фаолият турлари пайдо бўлади.



**ҚОВҒА.** Жамият ва давлатда юз бераётган ўзгаришлар сизга ҳам билвосита дахлдор бўлади. Баъзиларингиз янги иш ёки мартабангиз ошиши бўйича таклиф олиши мумкин. Аммо бу таклифлар ишончли бўлиши даргумон. Қолаверса, шанба куни ўзингиз яна бир янги тажрибага қўл уриб ҳаётингизда ўзгариш ясашингиз мумкин.



**БАЛИҚ.** Муваффақиятингиз истаklarингизга ва даъволарингиз даражасига бевосита боғлиқдир. Катта ишларни режалаштирган бўлсангиз, узоқ кутган ҳомиюнингизни учрата-сиз. Иш билан боғлиқ алоқалар ёрдамида янги, нуфузли танишлар орттирасиз, ижтимоий мавқеингиз ошади.

ДУШАНБА, 10

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 10 ноябрь куни.

“Ўзбекистон” телеканали ўз кўрсатувларини, соат 14.00 дан бошлайди.

- ЎзТВ - I
14.00 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш мусобақаси. Гонконг ва Таиланд терма жамоалари учрашуви. “ЖАР” стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус. пайтида - Янгилликлар.
15.50 “Кўрсатувдан-кўрсатувгача”.
16.10 ТВ анонс.
16.15 “Талваса”. Видеофильм. 2-қисм.
16.50 Мумтоз наволар.
17.05 Рамазон тухфаси. “Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз”.
17.30 “Олтин тоғ”. Телевизион ўйин.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 “Мулкдор”.
18.25 “Кўшигимиз Сизга армуғон”.
18.45 2003 йил - Обод маҳалла йили. “Кўпчилик қаторида”.
19.05 “Қалқон”.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 “Ахборот”.
21.05 Ўзбекистон Республикаси ИИВ намунали кўрғазмали оркестрининг концерти.
21.30 “Келин-куёв”. Телешоу.
22.30 Бокс бўйича Ўзбеки-

“Пойтахт” ахборот дастури. 18.45 “Табриклаймиз-кутлаймиз”.
19.15 “Хориж хабарлари”.
19.20ТВда сериал: “2000 йилдан сўнг”.
20.20 “Аво-news”.
21.00 “Инсон ва қонун”.
21.25 ТВда сериал: “Лўлиннинг бахти”.
22.25 Кинонигоҳ. “Дарахтга тирмашиб”.
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ - II
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 “Янги авлод” почтаси.
16.50 ТВ-анонс.
16.55 Футбол бўйича Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари. Тожикистон-Ўзбекистон. Танаффус пайтида (17.45) Мультфильм.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 “Меҳр кўзда”. Мактубларга шарҳ.
20.00 Мусликий лаҳзалар.
20.10 Сув - ҳаёт манбаи.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 “Гвадалупе”. Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 “Ёшлар” телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

ЎзТВ - III
17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВ да сериал: “Ит уяси”.
17.45 Болажонлар экрани.
17.55 “Хориж хабарлари” (рус)
18.00, 20.50 “Экспресс” телегазетаси.
18.10 “Халқ саломатлиги йўлида”.
18.30, 20.00, 20.35, 22.05

ДУШАНБА, 11

- ЎзТВ - I
5.10 Рамазон тухфаси: “Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз”.
5.35 “Хаттотлик санъати”. Телефильм.
5.50 Олтин мерос.
6.00 “Ассалом, Ўзбекистон!”
8.00-8.35 “Ахборот”.
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 “Санъатга бахшида умр”.
9.20 “Мулкдор”.
9.40 “Рангин дунё”.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 “Камалак”. Болалар учун кинодастур.
11.20 “Ҳаройибкентга саяҳат”.
11.50 ТВ клип.
12.05 “Кўпчилик қаторида”.
12.25 ТВ анонс.
12.30 “Олимп сари йўл”. Спорт дастури.
12.50 “Олтин дала”. Дам олиш дастури.
13.20 “Талваса”. Видеофильм. 3-қисм.
14.10 “Муносабат”.
14.40 ТВ клип.
14.50 “Бизнес ҳафта”.
15.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.05 “Ватанимга хизмат қиламан”.
17.05 Рамазон тухфаси. “Маҳалла - одоб ўчоғи”.
17.25 “Саргузаштлар ороли”. Телешоу.
17.55 ТВ маркет.
18.10 “Олтин бешик”.
18.35 “Ўзбектефильм” намоиш этади: “Восил Қобулов”.
19.00 “ТВ Бинго миллионер”. Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 “Ахборот” (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN “Ўзбекистон янгилликлари” (инглиз тилида)
20.30 “Ахборот”.
21.05 “Истеъмолчи”.
21.25 “Мусанниф”. О. Отаев.
21.45 “Гиёҳвандлик - аср вабоси”.

19.50 ТВ - анонс.
19.55 Марди-майдон.
20.15 Мусликий лаҳзалар.
20.20 Бир ўлкаки...
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 “Гвадалупе”. Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 “Ёшлар” телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 - 23.50 Хайрли тун.

ЎзТВ - II
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 “Мунаввар тонг”. Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 “Янги авлод” студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
9.55 Кинотақдим.
10.15 Тонгги сериал: “Рамайна”.
10.50 “Ўзбектефильм” студияси намоиш этади: “Бор эканда, йўқ экан”.
11.00 “Давр” ҳафта ичида.
11.30 ТВ - адвокат.
11.35 “Гвадалупе”. Телесериал.
13.40 "Фактор страха", экстрим-шоу.  
14.30 "Состояние сердца", комедия.  
16.10 "Познавательная передача".  
16.40 Музыкальная программа.  
17.00 Телегра.  
18.10 "Хеллоуин. Воскрешение", триллер.  
19.45 "Ошикона", муסיкий дастури.  
20.00 "Спорт экстрим".  
21.05 "Сокровища мертвых", сериал.  
22.00 "Антикиллер", остро сюжетный фильм.  
0.30 Спортивное обозрение.

## ОРТ

6.00, 10.00, 12.00 Новости.  
6.10 Комедия "Стежки - дорожки".  
7.30 "Короли смеха". Л. Енгибаров.  
8.00 Детский сериал "Твини-сы".  
8.20 Служу Отчизне!  
8.50 Дисней-клуб: "Легенда о Тарзане".  
9.10 "В мире животных".  
10.10 "Непутевые заметки".  
10.30 "Пока все дома".  
11.10 Док-шоу.  
12.10 "Операция "Трест". Фильм 1-й.  
12.40 "Дачники".  
13.40 "Смехопанорама".  
14.15 Дисней-клуб: "Мышиный дом".  
14.40 Воскресный "Ералаш".  
15.10 "Большие родители".

15.40 "КВН-2003". Высшая лига.  
18.00 Времена.  
19.00 Комедия "Особенности национальной рыбалки".  
21.00 Время. Воскресный выпуск.  
21.40 Фильм "Бельфегор - призрак Лувра".  
23.40 "История Кеннеди". Фильм 1-й.  
0.30 Бокс. М. Баррера - М. Паскуао.  
1.30 Боевик "Сила оружия".  
3.10 Реальная музыка.

## РТР

4.00 Фильм "Капитан Пилигрима".  
5.25 "Академия колдовства". Сериал.  
5.45 "Мир на грани".  
6.10 "Военная программа".  
6.30 "Студия "Здоровье".  
7.05 "ТВ-Бинго-шоу".  
7.25 Местное время. ВЕСТИ - МОСКВА. Неделя в городе.  
8.05 "Городок". Дайджест.  
8.40 "Сто к одному". Телеигра.  
9.30 "Вокруг света".  
10.25 "Диалоги о животных".  
11.15 "Парламентский час".  
12.00 ВЕСТИ.  
12.20 Комедия "Опасно для жизни".  
14.15 "Форт Боярд".  
15.55 Большой праздничный концерт с участием Н. Баскова, Л. Вайкуле и многих других.  
17.50 "В Городке".  
18.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.  
19.00 "Специальный корреспондент".  
19.25 Фильм "Кармен".  
21.40 Комедия "Дом Большой Мамочки".  
23.40 Боевик "База".  
1.30 Сериал "Семь дней".  
2.20 Канал "Евроныос" на русском языке.

## НТВ

6.10 Комедия "НЕ ТОТ ЯЩИК".  
7.50 "Лотерея АВТОВАЗа".  
8.00, 12.00, 16.00 "СЕГОДНЯ".  
8.20 Для детей. "ГОЛУБОЕ ДЕРЕВО".

9.05 ЦЕНТРИЗБИРКОМ.RU.  
9.20 Лотерея "ШАР УДАЧИ".  
9.30 "ЕДИМ ДОМА".  
10.10 "РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ".  
10.45 "ВОЕННОЕ ДЕЛО".  
11.20 "АПЕЛЬСИНОВЫЙ СОК".  
11.55 Играем в "Кено".  
12.20 "ВСЕ СРАЗУ!".  
13.05 Фильм "МАЧЕХА".  
14.55 "ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ".  
15.05 "СВОЯ ИГРА".  
16.20 "ИХ ПРАВЫ".  
17.10 "КОЛЛЕКЦИЯ ДАНИЭЛЬИ СТИЛ. Колесо судьбы", 2-я серия.  
18.10 "Преступление в стиле "МОДЕРН".  
18.45 Детектив "ЗАМУЖЕМ ЗА МАФИЕЙ".  
21.00 "НАМЕДНИ".  
22.30 "ФАКТОР СТРАХА".  
23.30 Фильм-эротика "КЛЮЧ".  
1.45 "Журнал Лиги чемпионов".

## ТВ 3

8.30 Жизнь в слове.  
9.00 Мультисериал "Ураганчики".  
9.30 Мультисериал "Мистер Бамп".  
10.00 Мультисериал "Мэри Кейт и Эшли суперагенты".  
10.30 Мультисериал "Эволюция".  
11.00 Мультисериал "Мумии возвращаются".  
11.30 "ДЕТЕКТИВЫ В ПОИСКАХ ПРОПАВШЕЙ ПРИНЦЕССЫ".  
13.30 "ЗОЛУШКА".  
15.30 "Окно в мир".  
16.00 "В ЗОНЕ ОПАСНОСТИ".  
18.00 "МОРСКАЯ ПЕХОТА".  
20.00, 4.00 Док. сериал "Дикие звезды".  
20.30, 3.30 Док. сериал "Экстремальный контакт".  
21.00 "ЛЮБОВНИЦА ИЗ МОСКВЫ".  
22.30 "ПРАВИЛА БОЯ".  
1.00 Телесериал "История о привидениях".  
1.30 "ЧТО СКРЫВАЕТ ЛОХ-НЕСС".

## REN TV

9.30, 4.35 "Дикая планета". Док. фильм.  
10.25 "Fox Kids": "Хитклиф". Мультисериал.  
10.50 "Fox Kids": "Суперпороносок". Мультисериал.  
11.15 "Fox Kids": "БИТЛБОРГИ". Телесериал.  
11.35 "Симпсоны". Мультисериал.  
12.35 "ВОВОЧКА-3". Сериал.  
13.10 Мировые розыгрыши.  
13.45 "ВЕДЬМАК". Телесериал.  
14.55 Военная тайна.  
15.30 "24". Информационная программа.  
15.50 "1/52". Спортивное обозрение.  
16.05 Мелодрама "ПРО ЛЮБОВЬ, ДРУЖБУ И СУДЬБУ".  
18.15 "ДРУЖНАЯ СЕМЕЙКА". Сериал.  
19.25 "ДРУГАЯ ЖИЗНЬ". Телесериал.  
20.35 Боевик "НА ЛИНИИ ОГНЯ".  
0.00 Триллер "КРОВЬ И ВИНО".  
2.15 "БЕС В РЕБРО". Телесериал.  
2.50 Триллер "ХОЛОДНОЕ СЕРДЦЕ".  
5.25 Ночной музыкальный канал.

## ТНТ

7.00, 14.35, 19.00 "Шоу Бенни Хилла".  
7.20 "Неизвестная планета".  
7.45 "НОВАЯ ЖЕРТВА". Мелодрама.  
8.40, 17.00 "САША+МАША". Комедия.  
9.05, 19.30 "Фигли-Мигли".  
9.30, 23.45 "Микс фэйт: бои без правил".  
10.00 "Завтрак с Дискавери".  
11.00, 14.50 "Каламбур".  
11.35 "СОЛОМЕННАЯ ШЛЯПКА". 1-я и 2-я серии.  
15.25 "КОМЕДИЙНЫЙ КОКТЕЙЛЬ". Сериал.<



## СПОРТ+ФУТБОЛ



**Футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионати якунланди. Мамлакатимиздаги саккизта стадионда олий лига жамоалари 30-тур учрашувларини ўтказди. Гарчи совриндорлар муддатидан олдин аниқланган бўлса-да, олий лигада қолиш учун кураш сўнгги тургача давом этди.**

Асосий вазифа — чемпионлик масаласини муддатидан олдин ҳал қилган "Пахтакор" раҳбарияти қолган ўйинларда ёш футболчиларни синаб кўришни маъқул топди. Кўйи лигага тушиб кетмаслик ҳаракатида бўлган "Кўқон-1912" билан баҳсда ҳам "Пахтакор" шарафини асосан ёш футболчилар ҳимоя қилди. Мезбонлар ўзи учун чемпионатдаги энг муҳим ўйинда фақат ғалаба илинжида тўп сурди. Натижада кўқонликлар мамлакат чемпионида уч очко олишга мушарраф бўлди - 3:2. Ушбу ғалабадан сўнг "Кўқон-1912" олий лигадаги "иссиқ" жойини сақлаб қолди.

Биринчи лигага тушиб кетган "Гулистон" ўз майдонида "Нефтчи"дан йирик ҳисобда мағлубиятга учради - 0:3.

Мазкур турнир энг кескин ва мурасасиз учрашуви Муборақда бўлди. "Навбахор"ни қабул қилган "Машъал" бронза медал совриндорига муносиб қарши-

лик кўрсатди. Беллашув 2:2 ҳисобида жанговар дуранг билан тугади. Қизғин шундаки, наманганликлар дарвозасига иккинчи тўпни "Машъал" посбони Н.Хабибов 11 метрлик белгидан киритди. "Навбахор"нинг икки голини урган Ш.Мирхолдираев, "Қизилқум" ҳужумчиси М.Идиатуллин билан бирга чемпионат

энг кўп тўпурари совринни қўлга киритди. Ҳар иккала ҳужумчи ҳисобида 26 тадан гол бор.

Чемпионат якунида совринли ўринлардан "куруқ" қолган "Қизилқум" ўз майдонидаги сўнгги учрашувни ғалаба билан якунлади. Ҳисоб "Самарқанд-Д" футболчилари томонидан очилган бўлса-да, ғалаба мезбонларга насиб қилди - 3:1.

Олий лигада жойини сақлаб қолиш учун курашаётган жамоалардан "Металлург" "Трактор" дарвозасига иккита жавобсиз тўп йўллаб, муҳим уч очкога эга бўлди. Бу ютуқ "Металлург" футболчиларини олий лигада олиб қолди. Худди шу натижа Кувасойда қайд этилди. Аутсайдер жамоалардан бири — "Цементчи" футболчилари "Бухоро" дарвозасини икки бор аниқ нишонга олди. Бироқ, бу ғалаба кувасойликларга умуман татимади. Ўтган йили "Гулистон" билан бирга олий лигага чиққан "Цементчи" яна шу жамоага қўшилиб кўйи лигага тушиб кетди. Келаси йили бу жамоалар ўрнини Жиззахнинг "Сўғдиёна" ва Тошкентнинг "Локомотив" жамоалари эгаллайди.

## ЧЕМПИОНАТ ҚАРВОНИ МАНЗИЛГА ЕТДИ



Ўз мухлислари кўз ўнгиде ишончли ўйнайдиган "Сурхон"дан бу гал омад юз ўгирди. Сурхондареликларнинг етакчи ўйинчиси Б.Аннамаев 11 метрлик белгидан дарвозани иш-гол қилолмади, натижада мезбонлар "Насаф"га 1:2 ҳисобида ўйинни бой берди.

Жорий мавсумда сафар учрашувларини жуда бўш ўтказган "Андижон" яна мағлубият аламини тотиб кўрди. "Дўстлик" футболчилари андижонликлар устидан 2:1 ҳисобида зафар кучди.

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

|                  | И  | В  | Н | П  | М     | О  |
|------------------|----|----|---|----|-------|----|
| 1. «Пахтакор»    | 30 | 25 | 2 | 3  | 83-23 | 77 |
| 2. «Нефтчи»      | 30 | 23 | 2 | 5  | 75-35 | 71 |
| 3. «Навбахор»    | 30 | 19 | 6 | 5  | 67-28 | 63 |
| 4. «Насаф»       | 30 | 19 | 3 | 8  | 61-40 | 61 |
| 5. «Қизилқум»    | 30 | 17 | 4 | 9  | 59-32 | 55 |
| 6. «Машъал»      | 30 | 13 | 5 | 12 | 48-40 | 44 |
| 7. «Андижон»     | 30 | 11 | 6 | 13 | 38-36 | 39 |
| 8. «Самарқанд-Д» | 30 | 11 | 2 | 17 | 40-46 | 35 |
| 9. «Сурхон»      | 30 | 10 | 4 | 16 | 32-56 | 34 |
| 10. «Дўстлик»    | 30 | 10 | 3 | 17 | 39-55 | 33 |
| 11. «Кўқон-1912» | 30 | 11 | 0 | 19 | 47-76 | 33 |
| 12. «Бухоро»     | 30 | 10 | 2 | 18 | 48-58 | 32 |
| 13. «Металлург»  | 30 | 9  | 5 | 16 | 36-63 | 32 |
| 14. «Трактор»    | 30 | 9  | 4 | 17 | 44-62 | 31 |
| 15. «Цементчи»   | 30 | 8  | 7 | 15 | 39-64 | 31 |
| 16. «Гулистон»   | 30 | 6  | 3 | 21 | 22-63 | 21 |

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА НАҚД

**Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуи ўйингоҳида футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида келаси йили бўладиган Осиё чемпионатининг саралаш гуруҳи беллашувлари якунланди.**

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Шри-Ланка ва Бутан жамоалари билан куч синашди. Гуруҳдаги биринчи учрашувда ўсмирларимиз Шри-Ланка футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шри-Ланка ва Бутан футболчилари ўртасидаги учрашув 3:0 ҳисобида якунланди.

Ўсмирлар терма жамоаси иккинчи баҳсда Бутан футболчиларига қарши ўйнади. Ўйинда юртимиз футболчилари тажриба ва маҳорат бобида бутанликлардан анча устун экани яққол сезилиб турди.

Бутан дарвозасига жавобсиз олтита тўп киритилди.

Ҳар икки учрашувда йирик ҳисобда ғалаба қозонган Б.Тошмухамме-

дов шогирдлари келаси йили Японияда бўладиган Осиё чемпионати финал қисмига йўлланма олди.

Шу куни 6-саралаш гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ва Бутан ёшлар терма жамоалари

ҳам ўзаро куч синашди. Бутанлик ёшлар ўзининг биринчи учрашувини Ўзбекистондан 3:0 ҳисобида мағлубиятга учраган Шри-Ланка терма жамоасига қарши ўтказиб, дуранг натижа қайд этганди. Дастлабки



А.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ўйиндан сўнг бир очко жамғарган Бутан ёшлар терма жамоасида кейинги босқичга чиқиш имконияти сақланиб қолганди.

Лекин бутанликларга нисбатан анча кучли таркибга эга бўлган терма жамоамиз рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Дастлаб И.Азизхўжаев бурчакдан узатилган тўпни боши билан дарвозага аниқ йўллади. Бирваракайига икки футболчи - А.Абдуллаев ва М.Бикмаев рақиб дарвозасига иккитадан тўп киритиб, "дубль"га эришди. Баҳс 5:0 ҳисобида якунланди.

Гуруҳдаги ҳар иккала ўйинда йирик ҳисобда ғалаба қозониб, биринчи ўринни қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2004 йили Малайзияда ўтадиган Осиё чемпионати финал қисмига борадиган бўлди. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида кучли учликдан жой олган жамоалар бир йилдан сўнг жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

тирок этмаган бўлса-да, Осиё чемпионатида жиддий тайёргарлик кўрди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Равшан Ҳайдаров бош мураббийлиги давомида Украина, Россия, Молдова, Қозоғистонда тўп сураётган легионерлар билан миллий чемпионатида тўп сураётган футболчилар ўйини бир-бирига уйғунлаштириб юборди. Ҳозир легионерлар ва миллий чемпионат аъзолари ўйини савиясида деярли фарқ йўқ. Терма жамоамиз таркибидан Россия, Украина, Молдова, Қозоғистон чемпионатларида иштирок этаётган футболчилар ва "Пахтакор" вакиллари жой олган.

## КУРАШ БОШЛАНДИ

**Бугун Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам Осиё чемпионати финал қисмига чиқиш учун саралаш учрашувларини бошлайди. Миллий терма жамоалар ўртасида Осиё чемпионати 2004 йилда Хитойда бўлади.**

Миллий терма жамоа "А" саралаш гуруҳида Таиланд, Гонконг (Сянган) ва Тожикистон терма жамоаларига қарши майдонга чиқади. Саралаш бос-

қичининг биринчи давраси Тошкентда ўтказилади.

Миллий терма жамоамиз икки йил давомида расмий учрашувларда иш-

## СПОРТЧИЛАРИМИЗ — АФРО-ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

**Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида илк маротаба Афро-Осиё ўйинлари бўлди. Унда спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Айтиқса, ўзбекистонлик боксчилар ва футболчилар иштирокидаги беллашувлар кўплаб спорт мухлислари ва мутахассислари эътиборини жалб қилди.**

Одатдагидек, боксчиларимиз терма жамоамиз газнасида энг кўп медални келтирди. Афро-Осиё ўйинларида бир варакайига бешта ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари — Дилшод Маҳмудов, Бахит Сарсекбаев, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, Рустам Саидовлар ўз вазн тоифаларида финалга чиқишди. Ҳал қилувчи беллашувларда барча вакилларимиз рақибларини мағлуб этиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Тажрибали боксчилар — Сергей Михайлов ҳамда Икром Бердиевлар бронза медаллари билан тақдирландилар.

Сузиш бўйича ўтказилган беллашувларда Равил Нацаев 50 метр масофага ўтказилган баҳсда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва Афро-Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. Сузувчиларимиз - Олег Пухнатий, Алёксандр Агафонов, Пётр Васильев ҳамда Темур Эргашевлар 4x200 метр масофага бўлган эстафетада учинчи ўринни эгаллашди.

Ўқ отиш бўйича бўлган мусобақаларда иштирок этган Вячеслав Скромов 50 метр масофадан нишонга отиш беллашувларида кумуш медални қўлга киритди.

Афро-Осиё ўйинларида футболчиларимиз эришган муваффақият ҳам барча ўзбекистонлик спорт ишқибозларини беҳад қувонтирди. Юртимиз шарафини Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоя қилди.

Ҳамюртларимиз ярим финалда Африканинг яна бир кучли вакили - Руандага қарши майдонга тушди. Учрашув жуда кескин ва мурасасиз кечди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунланди. Рақиб дарвозасига тўпни "Нефтчи" жамоасининг аъзоси Мансур Саидов киритди. Қўшимча вақтда — "Машъал" аъзоси Константин Боев "олтин гол" уриб, терма жамоамизни финалга олиб чиқди — 2:1.

Финалда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Ҳиндистон миллий терма жамоаси билан куч синашди. Ёш футболчиларимиз тажрибали рақибдан ҳайқмай тўп сурди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг иқтидорли футболчиси Ислоҳ Иномовнинг Ҳиндистонликлар дарвозасига учрашувнинг сўнгги дақиқасида киритган ягона голи вакилларимизнинг ғалабасини таъминлади — 1:0. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Афро-Осиё ўйинлари чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

## Маънавият

ОҚИБАТ  
ЙЎҚОЛМАСИН!

Қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат азалий қадриятларимиздан саналади. Бизда киши-ни маҳалла-кўй, қавм-қариндошлар яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёлғизлатиб қўйишмайди. Афсуски, сўнги пайтларда одамлар ўртасида оқибат хиёл камайиб бораётгандек.

Кўни-кўшнлар, қариндош-уруғлар бир парча ер, бир туп дарахт, ота-онадан қолган уй-жойни деб жанжаллашиб қолишяпти, ҳатто юз кўрмас бўлиб кетишяпти. Балки ҳаммасига моддий қийинчиликлар сабаб, дерсиз. Тўғри, турмушда қийинчиликлар учраб туради. Лекин улар қачон бўлмаган? Биз бундан ўн чандон, юз чандон оғир даврлар — уруш, йўқчилик, қаҳатчиликни бошидан кечирган халқимиз-ку. Ўшанда ҳам ота-боболаримиз одамгарчилик, инсоф-диёнатни эсдан чиқаришмаган. Топганларини яқинлари билан баҳам кўришган, бир майизни қирққа бўлиб ейишган, етим-есирларнинг бошини силашган. Ахир, ўндан ортиқ етимни бағрига олган Шомахмудовлар оиласи афсона эмас, ҳақиқат-ку! Ўзбеклар орасида бундайлар кўп бўлган. Ё бугунга келиб, бозор иқтисоди даврида ҳамма нарса пулга чақиладиган бўлиб қолдимиз? Йўқ, албатта! Бундайлар жамиятимизда, камчиликни ташкил этади. Аммо ўз вақтида бонг урмасак, муқаддас қадриятларимизни асраш ҳақида қайғурмасак, эрта бир кун бефарқлик, оқибатсизлик одатий ҳолга айланиши ҳам мумкин.

Гапни пича узокдан бошладим. Бундай ўй-хаёлларга боришимга Навоий туманида қавм-қариндошлар ўртасида юз берган бир жанжал сабаб бўлди. К. Раҳимов номли жамоа хўжалигида яшовчи, ёшлари қирқни қоралаб қўйган бу ака-ука ўртасида анчадан буён келишмовчилик бўлаётганди. Ота-онадан қолган ҳовли-жой Аъзамга текканидан Рустам (исмлар ўзгартирилган) норози эди. Одатда даҳанаки жанг

билан чекланадиган жанжал бир куни кечки пайт мушталашувга айланиб кетди.

“Жиянимни машинада “Навоийазот” корхонасига олиб бормаганим учун акам ўғиллари билан уйимга бостириб келди”, — деди Аъзам сўраганларга. Рустам эса кўевини Аъзам бекорга сўкиб, бир шапалоқ урганини айтди. Булар шунчаки бир баҳона. Оға-инилар илгаридан ўрталарида низо бўлганини тан олишди. Хуллас, улар кўни-кўшни, бола-чақалари кўз олдига бир-бирларини калтаклашди. Бу етмагандай, Истам ҳам амакиси Аъзамни урди. Оқибатда ака-укалар боши қонаб, қўли лат еб, шифохонага ётқизилди.

Одатда ўзбекчиликда катта ўғиллар инилар кўмагида ҳовли-жой қилиб чиқишган. Кенжатоё ота-онаси билан қолиб, улар оламдан ўтишгач, чирокларини ёқиб ўтирган. Бориники, мерос масаласини орага совуқчилик туширмасдан қонуний йўл билан ҳал қилиш мумкин эди-ку! Навоий тумани жиноий ишлар бўйича суди ака-укаларнинг бу жанжалини кўриб чиқиб, уларнинг ҳар қайсисини уч йилга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм этди. Ўз амакисига қўл кўтарган Истамга ҳам тегишли жазо тайинланди. Ўйлайсизки, энди уларнинг кўнгли жойига тушдимиз? Йўқ, албатта. Судлашишга чача бориш, ярашиш йўлини тутмаслик ораларини баттар совитгани аниқ.

Энди узилган меҳр ришталарини улаб бўлармикан? Улаганда ҳам тугун тушиб қолмайдимиз? Оға-инининг бир-бирига оқибати қаёқда қолди? Ота-она фарзандларини шу нијатда ўстирадими?

**Шермат АСАТОВ,**  
милиция подполковниги.

## Хизмат жойим — Ички қўшинлар!

**Азиз муштарийлар! Газетамизда “Хизмат жойим — Ички қўшинлар!” деб номланган рукни қайта ташкил этдик. Мақсадимиз республика ИИБ Ички қўшинлар сафларида хизмат қилаётган аскарлар сержантларнинг, офицерларнинг фаолиятини кенгроқ ёритиш, уларнинг тажриба алмашишларига кўмаклашиш. Ўйлаймиз-ки, ҳарбийларимизнинг ўзлари ҳам хабару мақолалари, шеърлари, кулгули ҳангомалари билан қатнашадилар. Қуйида қайта ташкил этилган рукн материаллари билан танишасиз.**

Бу сўзлар ҳарбий жамоа, майор Юсуфали Тулегеновнинг тилида қайта-қайта янгради. Чунки у етакчилик қилаётган ҳарбий жамоа хизматчилари ёзги ўқув мавсуми имтиҳонларини аъло даражада топширишди.

Зеро шундай бўлиши керак эди. Бутун ўқув мавсумида шахсий таркиб барча тайёргарликлар бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта билимга эга бўлишди. Машғулотларни тажрибали, билимдон офицерлар олиб боришди.

Текширувчиларга подполковник Одил Адилов бошчилик қилди. Тантанали митингдан сўнг саф кўриги,

«Кўнглимиз шод,  
Юзимиз ёруғ»

маънавий-сиёсий, махсус тайёргарликлар, умумҳарбий низомлар ва бошқа ҳарб илмлари бўйича синов машғулотлари бўлиб ўтди.

Катта лейтенант Элдор Мамитов бошчилик қилаётган гуруҳ аскарлари саф тайёргарлиги, маънавий-сиёсий тайёргарлик синовларини аъло баҳоларга

топширишди. Унда кичик сержант Фолибжон Мўминов, оддий аскарлардан Баҳромжон Ҳожимуродов, Соҳибжон Атахонов алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Лейтенант Шухрат Каримов бошчилик қилаётган гуруҳ аскарлари махсус тайёргарлик, умумҳарбий низомлар, ўқ отиш машқла-

рини юқори савияда бажариб, ўзларига билдирилган ишончини оқлашди.

Кичик сержант Аширли Сарипбаев бошчилик қилаётган назоратчилар гуруҳи эса барча синовларни намунали топширишди. Илғорлар сафига кичик сержантлар Одинабой Назаров, Дониёр Анарбоев, оддий аскар Дониёр Холметовларни киритишимиз мумкин.

Мана, ёзги якуний синов имтиҳонлари ҳам ниҳоясига ётди. Билдирилган ишонч оқланди. Йигин сўнггида жамоа сардори ўз шогирдларидан рози эканлигини, қувончини яширмади. Бундан кейин ҳам фақат олға қадам босишни, яқинлашиб келаётган қиши ўқув мавсумини кўтаринки руҳда ўтказишни тилади.

Ҳа, дарҳақиқат қилинган меҳнат самарасиз кетмайди, унинг натижаси ўларок, кўнглимиз шод, юз эса ёруғ бўлаверади.

**Рустам НАЗИРОВ,**  
майор.



**Ҳасан назарида кечагина республика ИИБ Ички қўшинлари сафига чақирилган эди. Ҳаш-паш дегунча муддатли ҳарбий хизматни ҳам тугатай деб қўйибди. У ҳарбий илми пухта эгаллади. Якуний имтиҳон ва синовлардан муваффақиятли ўтиб, қуролдошларига намуна бўляпти.**

**Суратда: оддий аскар Ҳасан Дехқонов тактик тайёргарлик бўйича синов пайтида.**

НИЯТИНГГА ЕТ,  
АЛИШЕР!

Оддий аскар Алишер Умаров Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан армия сафига чақирилган. Ҳозирда у ўз йигитлик бурчини Ички қўшинлар Бош бошқармасининг ҳарбий жамоасида ўтамоқда. Тартиб-интизомли, тиришқоқ бу аскар тезда сафдошлари орасида ҳурмат-эътибор топди. Ҳарбий ҳаёт уни бутунлай мафтун этди.

Алишер барча машғулотларда илғорлар сафидан ўрин олмоқда. Топшириқларни ўз вақтида, пухта бажарилади. Қоровул хизматини намунали ўтаб, аълочи аскарлар сафидан ўрин олган. Жамоа командири томонидан ташаккурнома эълон қилиниб, ота-онаси номига миннатдорчилик хатлари жўнатилди.

У жанговар қуролини маҳорат билан ишлатади. Бу ҳам ҳарбий учун жуда муҳим.

— Болалигимдан ҳуқуқшунос бўлмоқчи эдим, — дейди оддий аскар А. Умаров. — Бу ерга келиб менда бошқа нијат пайдо бўлди. Хизматимни тугатгач, олий ҳарбий билим юртига кирмоқчиман. Ҳа, мен келажақда ҳарбий бўламан. Мақсадим — истиқлолимизни кўз қорачигидек асраш.

Оддий аскар Алишер Умаровнинг ўз орзу-ниятларига эришишига ишонамиз. Чунки у ўз мақсади йўлида тинмай ҳаракат қилмоқда.

**Баҳодир ТОШҲУЛАТОВ,**  
капитан.

## ЯКУНИЙ СИНОВ



Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинларига қарашли капитан Зокиржон Аҳмедов етакчилигидаги ҳарбий жамоа шахсий таркиби 2003 йилги ёзги ўқув мавсуми якуний синов машғулотларига пухта ҳозирлик кўришганлигини амалда исботлашди.

Улар яқинда жанговар ва маънавий-сиёсий тайёргарлик режасига асосан синовларни муваффақиятли топширишди. Ички қўшинлар Бош бошқармасидан келган полковник Р. Арислонов

бошчилигидаги комиссия аъзолари ўта талабчанлик билан синовлар қабул қилишгаётганига қарамай, ҳарбий жамоа шахсий таркиби юксак натижаларни қўлга киритишди. Бу уларнинг жанговар шайликлари юқори даражада эканлигидан, ҳарбийлар эл-юрт ҳимоясига доимо шай эканликларидан далолат беради. Айниқса, катта лейтенант Журъат Якубов етакчилигидаги назоратчилар взводи посбонларининг эришган натижаларини текширувчиларни ҳам

қувонтирди. Катта лейтенант Рустам Абдуқодиров бошчилигидаги ўқчилар взводи ҳам яхши натижаларга эришди.

Шунингдек, ҳарбий қисм шахсий таркибининг ёзги ўқув мавсуми синов имтиҳонларини муваффақиятли топширишида офицерлардан капитан Аминбой Розиев,

шартнома асосида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилардан сержант Акмал Қодиров, муддатли ҳарбий хизматчилардан оддий аскарлар Зоир Турсунов, Раҳимов Раҳимов бошқаларга намуна бўлиб, жамоа муваффақиятига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.



Суратларда: якуний синовлардан лавҳалар.

**Аҳмаджон РУСТАМОВ,**  
майор.

## Жиноят оламида

**Ҳозир Россияда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тахминига кўра 100 га яқин уюшган жиноий тузилмалар (УЖТ) фаолият юритмоқда. Уларнинг энг йирик йигирматаси нафақат тезкор вазиятга таъсир кўрсатади, балки иқтисодий жараёнларда ҳам фаол иштирок этади. Улардан бири бўлган Набережние Челни шаҳрилик уюшган жиноий тузилманинг кўплаб аъзолари қўлга олинган.**

XX асрнинг 90-йиллари бошларида мазкур шаҳарда жиноятга мойил ёшлар ўртасида қонли олишувлар авжга чиқди. Бу курашда Адиган Салоҳов (Алик) гуруҳи голиб чиқди. Шарқ яккакураши бўйича спорт устаси бўлган бу йигит бошданок ўз ташкилотидан темир интизом ўрнатди. У гуруҳ аъзоларини спорт билан шуғулланишга мажбур қилар, ичкиликка ружу қўйганларни сафларидан ҳайдарди.

Ташкилотни ривожлантириш учун пул керак эди. Алик яшайдиган беш қаватли уйнинг рўпарасида машина бозори фаолият кўрсатарди. Айнан ана шу бозор босқинчиларнинг дастлабки "соғин сигири"га айланди. Қулоқсизлар билан пачакилашиб ўтиришмади. Икки қайсар тижоратчи дом-дараксиз йўқ бўлгач, бошқалари мулойим бўлиб қолишди. Ҳамма савдо нуқталарининг эгалари қулоқ қоқмай товон тўлайдиган бўлишди. Тўда аъзолари ўз рақобатчиларидан шафқатсизларча ўч олишди – уларнинг бошлари ва бармоқларини кесиб олишди. Қисқа вақт ичида шаҳар аҳли ваҳимага тушди.

### ЁЛЛАНМА ҚОТИЛ ФИГА

Икки йил ичида Набережние Челни жиноий гуруҳ аъзолари учун торлик қилиб қолди. Каллакесар-

разведка ва контрразведка бўлими фаолият кўрсатган. Унга Бош разведка бошқармаси махсус бўлимининг собиқ ходими раҳбарлик қилган. Иқтисодий фирибгарликлар билан шуғулланган марказ ҳам иш юритган.

Гуруҳнинг фаолияти авжга чиқа бошлаган. Энди рэкетдан ташқари яширин-

моддалари келтиришни ташкил этишди. Аликка бу ҳам камлик қилди. Адиган Салоҳов Давлат думасига ўз одамлари жойлаштириб, унинг ёрдамида Россиядаги йирик банклардан кредитлар олиб, Татаристон,



Гуруҳ бошлиғи Александр Беленко (ўртада).

212 жилдли жиноят иши китоби.

# 212 ЖИЛДЛИ

## «ИШИ»

лар бошлиғи Алик ва унинг ҳамтовоқлари Юрий Ерёмов (Ерёма) ҳамда Александр Власов (Шурин) Москвага кўчиб ўтишди. Бу ерда Алик бошқа бировнинг номига бир ярим миллион АҚШ долларига дангиллама уй сотиб олди. Ерёма ва Шурин эса ҳашаматли хонадонларни ижарага олишди. Тергов тахминига кўра улар шу ерда туриб гуруҳга раҳбарлик қилишган ва Челнида тўдабоши ўрнида қолган Рузал Асадуллинга аниқ кўрсатмалар бериб туришган. Тўдада темир интизом ўрнатилгани ишнинг силлиқ кечилиши таъминлаган. Раҳбарлар тўпланган газнани назорат қилишган ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги танишлари орқали ўз хавфсизликларига эришишган. Куйи табақа вакиллари эса қора ишларни бажаришган. Гуруҳда Александр Беленко (лақаби Фига) бошчилигида ёлланма қотиллар жамоаси тузилган, қурол-аслаҳа омбори пайдо бўлган. Ҳатто

ча ароқ ишлаб чиқариш, ёқилғи қуйиш шахобчалари устидан назорат ўрнатилиши ҳам даромад манбаи бўлиб хизмат қиларди. Ёлланма қотиллар нафақат гуруҳ раҳбарлари, балки беғоналарнинг ҳам буюртмаларини бажара бошлашди. Улар 21 кишини ўлдиргани аниқ исботланган. Ёлланма қотиллар усталлик билан иш тутишган, из қолдиришмаган. Фиганинг ўзи ваҳшийлиги билан донг таратган. 1996 йилда у икки шериги билан бирга буюртирилган шахсга қўшиб ўша уйдаги яна етти кишини ўлдирган. Ёлланма қотилларнинг ёнларида қурол олиб юришларини қонунийлаштириш мақсадида Москвада хусусий кўриқлаш корхонаси очилди. Унга уюшган жиноий тузилма аъзолари "ҳодим" бўлиб "ишга жойлаштиришди".

Гуруҳ раҳбарлари Москвадаги танишлари орқали Афғонистон ва Тожикистондан минтақага тўғридан-тўғри гиёҳвандлик

Удмуртистон, Одессада кўплаб корхоналарни эгаллай бошлади. Натижада миллион-миллион АҚШ доллари миқдорида даромад орттирди.

### ҚОНЛИ УРУШ

Вақт ўтган сайин Салоҳовга қўл остидагиларга гамхўрлик қилиш ёқмай қолди. У Ерёма ва Шуринни газнадан четлатиб, пулларга якка ўзи хўжайинлик қила бошлади. Унинг Набережние Челнидаги ноиб Рузал Асадуллин товламачилиги учун қамалгач, ўрнини Валиев эгаллади. Айтишларича, Рузал мударидан олдин озодликка чиқиши учун "керакли шахслар"га 300.000 АҚШ доллари миқдорида пора берган. Рақиби эса Асадуллинни панжара остида ушлаб туришлари учун деярли шунча пул тўлаган.

Рузал озодликка чиқиши билан ўртада қонли уруш

ўлдиришди. Адиган Салоҳов Украинага яширинди. Вақти-вақти билан собиқ ҳамкорлар бир-бирларини ўлдириш учун ёлланма қотилларни жўнатиб туришарди. Аммо ҳар иккиси ҳам омон қолишди. Шунда рақиблири Аликдан бошқачасига ўч олишди. У милиционер билан муштлашгани учун анчадан буён қидирувда эди. Салоҳов поездда Москвага бораётганда уни "сотишди". Шу тариқа тўдабоши ҳибсга олинди.

Гуруҳ ичида қонли уруш давом этаётган пайтда маҳаллий прокуратура ва милиция, шунингдек, Уюшган жиноятчиликка қарши кураш Бош бошқармаси ишқуварлари уларнинг кирди-корларини ўрганиш билан шуғулланишди. Бир ярим йил мобайнида тўданинг қирққа яқин фаол аъзоси қўлга олинди. Кўплаб қотилчилик, босқинчиликлар, гаровга олишлар,

иқтисодий жиноятлар очилди. 212 жилддан иборат мазкур жиноят иши уюшган жиноий тузилмалар бўйича ҳозирча энг салмоқлиси-дир.

– Ҳа, шаҳарда отишмалар камайди. Ишбилармонлар анча эркин нафас олишяпти, – дейди шаҳар прокурори Ильдус Нафиқов. – Аммо иш ҳали поёнига етказилгани йўқ. Биз босқинчилар тўдасини фош қилдик, лекин коррупция занжирининг охиригача етмадик. Мазкур жиноий тузилма билан алоқада бўлган Москвадаги тўдалар ҳали қўлга олинмаган. Калава-бинг чигалини ечиб бораверсак бутун Россия ҳудудидаги уюшган жиноятчиликка бориб тақалишимиз аниқ. Уларнинг фаолиятига чек қўйиш учун эса давлат раҳбарларининг хоҳишироудаси бўлмоғи даркор. Акс ҳолда шаҳримиздаги ҳозирги нисбий тинчлик, хотиржамлик бир ярим-икки йил давом этади, холос.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

## ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



● АҚШ Конгресси Ироқни қайта тиклаш билан боғлиқ масалаларга 87,5 миллиард АҚШ доллари ажратди. Шундан 18,6 миллиарди бевосита тиклаш ишларига, 64,7 миллиарди эса Ироқ ва Афғонистондаги АҚШ қўшинларини молиялаштиришга, қолгани бошқа шунга ўхшаш мақсадларга мўлжалланган.

● Ироқнинг Корбало шаҳридаги мачит яқинида юз берган портлаш натижасида уч киши ҳалок бўлган ва 12 киши яраланган. Шунингдек, мамлакат пойтахтида ҳам бешта портлаш содир этилди.

● АҚШ маъмурияти Абу Мусаб Ал-Заркавийни туттишга кўмаклашган кишиларга 25 миллион АҚШ доллари мукофот берилишини эълон қилди. У АҚШ махсус хизматлари ходимларининг фикрича, Усома бин Лоденнинг энг яқин ёрдамчиларидан бири ҳисобланади ва "Ал-Қоида"нинг Ироқ ҳудудидаги операцияларига раҳбарлик қилади.

● Европалик ва исроиллик гаровга олинган сайёҳларни озод қилиш борасидаги Колумбия ҳукумати билан исёнчилар ўртасидаги музокаралар қутулган натижаларни бермади. Ҳукумат вакиллари исёнчиларнинг баъзи етакчиларини озодликка чиқаришга рози бўлишганди. Фақат партизанлар гаровдаги етти сайёҳни бирваракайга озод қилишга кўнишмади.

● Москва шаҳар ИИББ ахборот ва жамоатчилик билан алоқа қилиш бошқармаси хабар қилишича, тунги пайтда компьютер ўйинлари залларидан бирида босқинчилик содир этилган. Тунги алламаҳалда ниқоб кийган икки нафар киши бостириб кириб, олти компьютер ўйинхоналарининг газнахоналарини очишган. Етказилган зарар 40 минг Россия рублини ташкил этди.

● Ёш хакер Исроил разведкаси "Моссад"нинг сайтини бузган. Аммо олган ахборотини "ўқий олмаган".

● Айбланувчи ўз хатти-ҳаракатини сайт ҳимоясини текшириб кўриб, аниқлаган заифликларни разведка раҳбариятига хабар қилмоқчи бўлгани билан изоҳлади.

● Индонезия оролларида Суматрада сув тошқини оқибатида камидан 78 нафар киши ҳалок бўлиб, 100 га яқин одам бедарак йўқолди. Улганлар орасида хорижлик беш фуқаро ҳам бор. Кутқарувчилар бедарак кетганларни излашяпти. Аммо уларни тирик топиш имкони тобора камаймоқда.

● Яқин орада янги магнит бўрони қутиляпти. Куёш сатҳида юз берган учта портлаш натижасида фазога катта миқдорда зарралар оқими тарқалди. Олимларнинг таъкидлашича, эндиги магнит бўрони илгаригиларидан анча кучсиз бўлади. Сабаби, бу зарралар оқими бевосита Ер томонга йўналмаган.

### Во ажабо!

## ЖОНЛИ ТУГУН

Икки йилдан бери қидирувда юрган Эрнестнинг яна Тошкентда пайдо бўлиб қолганини эшитиб, уни тутиш бўйича тadbир ишлаб чиқилди. Хотини ундай эрдан кечганман, қаердалигини билмайман, дейишдан нарига ўтмади. Таниш-билиш, ошна-оғайниларидадан суриштириб, Эрнест бир бева қариндошиникида яшаётганини аниқладик. Тезкор ходимлар шу манзилни кузата бошлашди. Шом пайти у бир аёл билан хонадонга кириб кетди. Вақтни бой бермай тезда уларнинг ортидан эргашдик. Эшик қулфланган. Уни тақиллатганим, ичкаридан аёл кишининг овози эшитилди. У мударидан билгач, фақат профилактика инспектори гувоҳлигида эшикни очаман, деди. Профилактика инспектори ёнимда турганди. Аёл унинг овозини эшитгандан кейин тамбани туширди.

– Ҳозир сиз билан бирга кириб кетган йигитни излаяпмиз, – дедим аёлга.

– Мен бир ўзим яшайман, ҳеч қанақа эркакни кўрганим йўқ, – деди у гўё ҳеч нарсадан беҳабардай.

– Юля, қизил халта кўтарган, соқолли йигит орқандан кирди-ку, – деди профилактика инспектори.

– Нима, мени бузуқ аёллардан деб ўйлаяпсизларми?! – деди бека бўш келмай.

Хуллас, хонадонни кўздан кечириб чиқишга тўғри келди. Уч хонали уйни уч мартадан текшириб чиқдик, лекин Эрнест йўқ эди.

Ётоқхонадаги шкафни қайта-қайта очиб кўрдим. Кийимлар тахланадиган томонда устма-уст қўйилган тугунлар турарди. Охирги марта яна шкафга яқинлашганимда, Юлянинг ранги ўзгарди. Шкаф эшиги очилганда пастда турган каттароқ тугун қимирлади. Унинг бир четидан одам қўли кўринди. Эрнест тор шкафда, тугун ичида ортиқ димиқиб ўтиролмаганди...

Рустам АХМАДЖОНОВ,  
милиция капитани.

Жиноятчиға жазо муқаррар!

# ОҚЛАНМАГАН ИШОНЧ

... Қорни тўйиб, ялқовлик билан кавш қай-тараётган қорамолларни қатор ўсган жингиллар соясиға ҳайдаган болалар чўмилиш учун Палваш ариғи томон югуришди. Шунда Маҳмуд қамишлар ичида ётган одам жасадини кўриб қолди.

— Болалар, ўлик!!!

Маҳмуднинг нима деб қичқирганини кўпчилик англамади. Шундай бўлса-да ҳаммалари “гурр” этиб учган қушлардек қирғоққа шошилдилар.

— Одам, одам ўлиб ётибди! — ранги пахтадек оқариб кетган Маҳмуд ариқ четидеги қамишлар орасида ётган жасалга ишора қилди. — Ўлик...

Хабар бўйича етиб келган Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ катта тезкор вакиллари, милиция подполковниклари М. Бекмуратов, Ж. Сапаров, Беруний туман ИИБ бошлиғи, милиция капитани А. Жумабаев ва бошқалар мурдани сувдан чиқариб олдилар.

Ваҳшийларча ўлдириб, таниб бўлмас даражага келтирилган жасалнинг шахсини аниқлаш осон бўлмади. Республикадаги ҳар бир тумандан бедарак йўқолган шахс бор-йўқлиги суриштирилди. Аммо бирор жойдан “фалончи кўринмай қолди” деган гап чиқмади.

— Туманлардан суриштириш билан бирга қўшни Хоразм вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларига ҳам муҳ-иш қотиллик ҳақида хабар берилди, — дейди ҚР Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция подполковниги С. Палванов. — Ходимларимизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли мурданинг шахси аниқланди. У Хоразм вилояти Шовот туманидаги хўжаликлардан бирида яшовчи Холмурод Бекчанов (исм, фамилиялар ўзгартирилган) бўлиб чиқди. Холмуроднинг яқинларидан суриштирилиб, у Беруний туманида яшовчи хоразмлик Жумабой Ауданбоевларнинг уйига тез-тез келиб туриши аниқланди.

Жумабой хотини Туймагулнинг гапларини мулоҳаза қилиб, бир қарорга келди: майли, у тижорат ишлари билан шуғуллансин.

Ахир, ҳозир қанча қиз-жувон ҳатто чет элларга бориб-келиб, савдони гуллатяпти. Туймагул Хоразмга бориб, у ердан “мол” олиб келиб сотса, эр-хотиннинг топганига барака кириб, хотини айтганидек, ҳовлининг нариги бурчагига янги уй қуришади. Ҳаммадан ҳам машина сотиб олишади...

Жумабой “паст-баландни яхши биладиган” ҳамюрти Холмуродни хотинига ҳамроҳ қилиб, сафарга кузатди. У Холмурод муқаллам судланганига парво қилмади. “Қамалиб, одам қалрига етадиган бўлиб қолган. Бечора, иш-ламасдан, анчагина қийналди”, деб ўйлади.



Лекин афсус, у адашган, “ҳамюртим” дея очик чехра билан кутиб олиб, бағридан жой, дастурхонидан туз бергани бошига нима кунлар солиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, кечга томон “сафар”га кетган Туймагул ранг-рўйи бир аҳволда уйга кириб келди. У “Ие, молларинг қани? Касал бўлдингми?” деб сўраган эрига бир сўз айтмасдан, йиғлаганича ичкарига йўналди.

Жумабой ҳайрон. Нима бўлдикин? Қўшни республикадан ноқонуний равишда олиб килинган маҳсулотларни арзон-гаровга олиб, қўлга тушиб, бор-бўлидан айрилдимикин? Ё касал бўлиб, бирор ерда ётиб қолиб, пуллари уғрига олдирдимикин?

Жумабой шу хаёллар билан аёлининг ор-

тидан кирди. Мук тушганича йиғлаётган Туймагулни турғизмоқчи бўлди-ю унинг биллаклари, бўйинларидаги моматалоқ бўлиб ётган жойларни кўриб, ток ургандек, сесканиб кетди.

— Ким, ким... кимнинг иши бу? — у ваҳоҳат билан аёлининг сочидан ушлаб, бошини кўтарди. — Шунча кун ким билан, қаерда, нима иш қилдинг? Ким баданингни кўкартирди?

Жумабой аёлининг ёқасидан ушлаб, куч билан тортди. Кўйлак шариллаб йиртилди. Туймагулнинг баданида соғ жой қолмаганди.

— Бу — Холмуроднинг иши! — аёл хўнграб йиғлаганича эрининг оёқларига йиқилди. — Уйига қамаб, номусимни топтади. Ҳеч қаёққа чиқармади. Пуллари олиб қўйди. Паит пойлаб, қочиб келдим...

Шу кун тонггача Туймагул йиғлаб чиқди. Куёшнинг илк нурлари кўринганда Жумабой қатъий қарорга келди. Қарорни ижро этиш учун аввал Холмуродни топиш зарур эди.

Холмурод кўп куттирмади. Орадан икки кун ўтиб, ҳеч гап бўлмагандек ишшайиб, ўз оёғи билан уларнинг уйига кириб келди. Жумабой ҳам уни очик чехра билан кутиб олди. Унинг муомаласида шубҳали ҳаракат кўрмаган Холмурод: “Хотини

ҳеч гап айтмабди. Қайси юзи билан ҳам айтсин бўлган воқеани” деган фикрга келди. Лекин у англишганди. Юзаси тинч оққан дарёнинг ости қайнаб-тошганидек, Жумабой ич-ичидан ўртаниб, ёниб турса-да, унга нисбатан ғазабини сездираётганди.

Шу кун ярим кечада эр-хотин ухлаб ётган Холмуродни ит азобида ўлдириб, жасадини Палваш ариғига улоқтириб юбордилар.

Дўстининг ишончини топтаб, унинг рафиқасини шарманда қилган Холмурод қилмишга яраша ўлим топди. Унга ўзларича ҳукм чиқариб, қотилликка қўл урган эр-хотин ҳам суд ҳукми билан қонуний жазоларини олдилар.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

## КАССАГАМАС ...

### КИССАГА

Хўжабод туманилик фирма раҳбари “нозик” жойидан илинди. Уни солиқ инспекцияси ходими касса аппаратидан фойдаланмай савдо қилганлиги устида ушлаб олди. Ишни босди-босди қилиши эвазига 100.000 сўм сўради. У хизмат хонасида порани куртдай санаб олаётган пайтда қўлга тушди. Виждон, хизмат бурчи деган тунчалар қаёқда қолди? Кассага бўлмаса, кассага экан-да!

## АЁЛНИНГ

### ҲАМ ЖОНИ БИТТА

Айрим эркаклар “Аёлининг жони қирқта” деган мақолни тўғри маънода тушунадиларми деймиз-да. Йўқса, бўлар-бўлмасга хотинларига қўл кўтаравермасдилар. Қарши туманилик М. Ботир ҳам ана шундайлар хилидан чиқиб қолди. У ўзaro жанжал оқибатида хотинининг бошига таёқ билан урди. Натижада шўрлик аёл ҳаётдан кўз юмди.

## КАСОДГА УЧРАГАН

### САВДО

Иллоти борнинг тиззаси қалтирайди, деб бекорга айтишмайди. Қизилтепа туманининг Варозин ширкат хўжалигида яшовчи Х. Шодини уйи олдида тезкор ходимлар тўхтатишганда ранги дам қизариб, дам бўзарди. Сабаби, ёнида нақ 1 кило марихуана бор экан.

Урганч туманилик Х. Қосим эса уйда 1 килога 356 грамм марихуанани 200.000 сўмга пуллаётганида изқуварлар савдонинг қоқ белига тепишди.

## ҚОТИЛ ТАЛОНЧИЛАР

Шу йил 10 сентябрда Денов туманида оқиб ўтувчи каналдан 35-40 ёшлардаги аёл кишининг оёқлари боғланган ҳолда бошиси танаси топилган эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижа-сида мурданинг шахси аниқланиб, қотилликни содир этган шахслар қўлга олинди. Мархума Жарқўргон туманилик тадбиркор бўлиб, уни талончилик мақсадида ўлдирилган экан.

## ЯНА МАСТЛИК САБАБ

Когон туманининг Ганчкаш қишлоғилик А. Фарход маст бўлишига қарамай ўзининг “ВАЗ-2109” автомашинасини ҳайдаб кўчага чиқди. Оқибатда қаршисидан келаётган тракторга урилди. Фарход воқеа жойида, машинасидаги йўловчи Ч. Марина эса шифохонада оламдан ўтди. Иккинчи йўловчи Қ. Эргаш тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди.

## МАШИНА ЭГАСИГА

### ҚАЙТАРИЛДИ

Боёвутлик Хурсандали янгиерлик оғайнисиникига меҳмон бўлиб келган эди. Меҳмондорчилик куоқ бўлди, алламаҳалгача давом этди. Ошналар тоза ҳаводан нафас олгани ташқари чиқишса, меҳмоннинг “Москвич” и йўқ. Улар кайфлари бошларидан учиб милицияга югурдилар. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўғри тутилди. У Янгиер шахрининг Ўзбекистон кўчасида истиқомат қилувчи Ю. Рашид эди. Автоулов техник соз ҳолатда эгасига қайтарилди.

## ЁПИГЛИҚ ҚОЗОН ...

### ОЧИЛДИ

Термиз шахрилик тафтишчи текширув жараёнида мактаб-интернатлардан бирида камчиликларга йўл қўйилганини аниқлади. “Энди нима қиламиз?” — деди у интернатнинг бош ҳисобчисига. “Ака, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверсин”, — ялинди бош ҳисобчи. “Майли-ку-я, фақат бунинг баҳоси 200.000 сўм бўлади-да”, — маъноли қараш қилди тафтишчи. У хизмат хонасида айтган пулини олаётганда қозон очилиб кетди.

## ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига пойтахтнинг “Миробод” бозорида қаровсиз юрган 4-5 ёшлардаги қиз бола келтирилди. Сухбат чоғида у ўзини Даша деб таништирди. Онасини исмини Вика, она-ларининг исмини Евгения, Настя, акасининг исмини Ваня деб айтди. Яшаш жойи ва қариндошлари юзасидан бошқа ҳеч қандай маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 100-105 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, кўзи думалоқ, жигарранг, бурни катта.

**Кийимлари:** эғнида қизил камзул, кўк трико, қора свитр, ашич кофта, оёғида кулранг шиппак бор.

**Қизчанинг ота-онаси ёки қариндошлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат қилишлари мумкин. Манзил: Тошкент шаҳар Ф. Норхўжаев кўчаси, 52. Телефон рақамлари: 191-34-31, 191-52-37.**

# «РАЗВЕДКА»ГА БОРМАЙДИГАН БЎЛДИ

Лариса эринибгина эшикни очди. Бердибой билан Очил ширакайф ҳолатда туришарди.

— Яна куп-қуруқ келдиларингми? — деди у йигитларга зарда қилиб.

— Лариса, бафуржа гаплашайлик, янги режа бор, — деди Бердибой кўзлари чакнаб.

Аёлнинг чехраси бироз ёришиб, уларни ичкарига бошлади. Йигитлар куруқ келишмаганди. Очил Ларисанинг ўглини дўконга юборди. Бола келгунча бироз тортишув бўлди.

— Яқиндагина ўғирланган икита молнинг пулини ташлаб кетгандик, нима тугатдингми? — деди Бердибой Ларисага.

— Нега миннат қиласан, ўзларинг икки-уч марта келдиларинг. Айш-ишрат қилиб тургандан кейин пул чидаримиди? — деди аёл бўш келмай.

— Ўйлаб сарфлаш керак, — деди Очил. — мол ўғирлаш осон эмаслигини биласан-ку!

— Биламан, — деди Лариса унинг гапини бўлиб. — Лекин мён “разведка” қилиб келмасам, товуқ ҳам ўғирлолмасдиларинг.

— Гапнинг қисқаси, яна ўлжа топиш керак, — мударрага кўчди Очил.

— Бор, кеча билиб келганман, — деди Лариса.

— Бу гал ўғлингни ҳам олиб борсак, нима дейсан? — аёлга тикилди Бердибой.

— Борса бораверади, шундоқ

ҳам кўчада санқиб юрибди, — деди аёл қўлини силтаб.

Ҳали оила қуриб, турмуш ташвишларини бошидан кечирмаган бекободлик икки ёш йигитни бундан икки йилча аввал Ширин шаҳрида яшовчи Ю. Лариса домига илинтирганди. Айш-ишрат деса ўзини томдан ташлайдиган аёл уларни ўғрилиққа ундади. Дастлабки “ов” бароридан келгандан кейин йигитларнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди. Ширин шаҳри атрофидаги қишлоқларда яшовчиларнинг қорамолларини ўғирлаб, Тошкент вилоятидаги бозорларда сотишди. Ю. Лариса сумкасига ички кийимлар солиб олиб, сотиш баҳонасида қишлоқларни айланиб, кимникида қорамол бору уни ўғирлаш йўллари-ни ўрганиб келар ва шерикларига тушунтирарди. Шу аснода жиний гуруҳ фуқароларни қақшатиб юраверди.

— Вадим, эртага амакиларинг билан Боёвутга борасан, — деди Лариса ўғли эшикдан кириши билан.

— Мактаб-чи? — ҳайрон бўлиб сўради бола.

— Бормайсан. Пул топишни ўрган, галварс, — деди аёл жеркиб.

Маишат тонггача давом этди. Бола эса қўшни хонада алламаҳалгача ухлалмай ётди. “Амакилар” нима учун уларникига келишига ақли етса-да, онасига ҳеч нима дейлмасди.

О. ҚОДИРБЕКОВ,  
милиция капитани.

## Сиз кутган учрашув

Тоҳир Саидов 1965 йилда Хоразм вилоя-тида таваллуд топган.

Ҳозир Ўзбекистон миллий академик дра-ма театрида фаолият кўрсатмоқда. Устозим деб Абдураҳим Сайфутдиновнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Қуйи-да истеъдодли актёр билан қилинган суҳ-батни эътиборингизга ҳавола этамиз.

– Тоҳир ака, илк ижро этган ролингиз ҳақида тўхталсангиз.

– Илк бор А. Қаҳҳор номли са-тира театрида Лутфулла Саъдул-лаев ва Хайрулла Саъдиев томо-нидан сахналаштирилган “Нас-риддин Афанди” спектаклида Насриддин Афанди ролини ўйнаган эдим.

– Хар бир актёрнинг маш-хур қилган роли бўлади. Сиз-ни халққа танитган ролингиз қай бири деб ҳисоблайсиз?

– “Кўнгил кўчалари” сериали-даги тиланчи образи орқали мени кенг томошабинлар омма-сига танитди, машхур қилди, де-сам муболага бўлмас.

– Дарҳақиқат, шу ролингиз ниҳоятда табиий чиққан. Ти-

ланчи образини ўйнашдан ав-вал шу тоифа одамларни ку-затганмисиз?

– Йўқ, мутлақо. Кўрган тилан-чиларни эслаб, бухороча шева-

кўрмай, менга пул ташлаб кетар-дилар. Эсласам, ҳали-ҳали кул-гим келади.

– Ҳозирда нималар билан машғулсиз? Қандай образлар устида ишляпсиз?

– Ҳозир қайта сахна юзини кўрган “Гамлет” спектаклида бош ролни ижро этяпман. Бундан таш-қари “Бир кошона сирлари”да Сар-вар, “Чўлпон”да шоир Сезгир, “Уфк”да Турсунбой, “Қирол Лир”да масхарабоз ва бошқа турли образ-ларни ижро этиб келмоқдаман.

– Мана ҳозир театрга томо-шабинлар қайтган. Демак, те-атр томошабин талабига жа-



дионинг “Машъал” студиясида режиссёр бўлиб ишлайдилар.

Қизларим Камола, Хилола ва ўғлим Навфал мактабда ўқишади. Оиласидан кўнгли тўқ санъаткор-гина жўшиб ижод қила олади.

– Унвонингиз борми?

– Санъаткор деганнинг ўзи ҳам юксак унвон... Озми-қўпми мухлисим бор, ҳамиша улар ар-доғидаман. Улар мени излаб гоҳ театрга, гоҳ уйимга келишади. Шунинг ўзи мен учун катта бахт.

– Тоҳир ака, энди мушта-рийларимизга тилақларингиз-ни билдирсангиз.

– Ички ишлар ходимларини жуда ҳурмат қиламан. Улар юрт осойишталиги йўлида хизмат қилишади. Биз эса тинч, осойиш-та кунда, тўй, томошаларда эл хизматида бўламиз. Бизга ана шу тинчлик ва осойишталикни таъ-минлаб бераётган ички ишлар ходимларига соғ-омонлик тилай-ман. Машаққатли, шу билан бир-га шарафни касбларида омад ёр бўлсин. Ҳамиша хизматларига ой бориб, омон қайтишсин.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Мастура ЮНУСОВА  
суҳбатлашди.

# САНЪАТКОР – ЮКСАК УНВОН



воб бера олади. Лекин томо-шабин-чи?

– Театр томошабини тарбия-ловчи даргоҳ. Лекин бу маданият даргоҳига тарбия топган томоша-бин келмоғи лозим. Бу билан ҳамма томошабинлар ҳам тарбия-сиз демокчи эмасман. Бироқ то-моша бошланиб бўлгандан сўнг ҳам залга тапир-тупур қилиб кириб келадиганлар, ўриндиқларга сақич ёпиштириб кетадиганлар, томоша вақтида ҳуштакбозлик қиладиган-лар, минг афсуски, оз бўлса-да, учраб турибди. Бу ҳол айниқса, мактаб ўқувчилари келганда кўп учрайди. Баъзи вақтларда бунга қисман ўзимизни ҳам айбдор ҳисоблайман. Чунки уларнинг ёшига мос тушмаган спектакллар тўғри келиб қолади.

– Ўзингизни қандай услуб-даги актёр деб ўйлайсиз?

– Нокамтарликка йўймангу, ўзимни профессионал даража-даги актёр деб биламан. Чунки трагедия, комедия, аския – ҳамма-ҳаммасида ўзимни синаб кўрганман.

– Асосий даромад манбаингиз?

Тўйларда, концертларда бошловчилик, концерт ўрталари-да қизиқчилик ҳам қиламан. Қи-мирлаган қир ошар, дейишади. Бундан ташқари кичиккина дўкончам ҳам бор.

– Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Оилам – менинг биринчи танқидчим ва маслаҳатчим. Улар-га суяниб қолганман. Турмуш ўртоғим – Дилобар Саидова ра-

## ҲУҚУҚИЙ КРОССВОРД


**Энига:** 5. Ўзининг ҳоки-мият органларига эга бўлган мустақил мамлакат. 6. Маж-бурий тергов ҳаракати. 9. Ҳамма учун мажбурий бўлган ҳамда бажарилиши давлат таъсир чоралари билан таъ-минланадиган хатти-ҳаракат қоида (норма)лари мажмуи. 11. Конституцияда белгилан-ган тартибда қабул қилган норматив ҳужжат. 12. Масъ-улиятни, жавобгарликни ўз устига олган ҳолда ишонти-риш. 15. Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабиларнинг ақлга монандлиги, асослиги. 16. Нарсаларнинг тепа сирти, юзаси. 17. “Милиция лейте-нант Вязов” номли қиссан-нинг муаллифи. 20. Халқро шартномаларнинг давлат ҳокимияти олий органи то-монидан тасдиқланishi. 23. Жиноий жавобгарликка тор-тилган шахснинг айбдорли-гини исботлашга қаратилган ҳаракатлар. 24 “Синов муд-дати” фильмидаги жиноят қидирув катта инспектори-нинг фамилияси. 25. Мақол:

“Камар боғлаб белинга ... қилгин Элингга”. 29. Милиц-ия хизмат соҳаларидан бири. 31. Судлов муассаса-лари тизими ва уларнинг фаолиятини англаувчи ту-шунча. 32. Буюк Британияда полициячининг халқ томони-дан берилган номи. 33. Айб-ли ижтимоий хавфли қил-миш. 34. Иш-ҳаракат, тад-бир-чора ва шу кабиларнинг амалга ошувида рияя қили-надиган қонун-қоида ва улар-нинг талабларига жавоб бе-радиган ҳолат.

**Бўйига:** 1. “Дайди” филь-мида судья Рагунат ролини ижро этган ҳинд актёрининг фамилияси (унинг исми Притхвирах). 2. Ҳинд детектив фильмларида полиция офи-цери ролини ижро этган кино юлдузи. 3. Ўз зиммасига олинган мажбурият ҳақида жавобгар шахс томонидан имзо чекиб тасдиқлаб берил-ган расмий ҳужжат. 4. Жино-ят процессида иштирок этув-чи шахслардан бири. 7. Маҳ-кумнинг овозликдан маҳрум

этиш тариқасидаги жазони ўташи учун суд ҳукми билан белгиланган вақт бўлаги. 8. “Қизил бодрезак” фильмига режиссёрлик қилган ва уйда Егор Прокудин ролини ўзи ижро этган актёр. 10. Давлат-нинг асосий қонуни. 13. “Қишлоқ изқувари” номли детектив қиссани ким ёзган? 14. Хорижий мамлакатларда тартиботни ҳимоя қиладиган давлат идора органлари ти-зимси. 18. Уқ отишни машқ қиладиган жой. 19. Хизмат-дан бўш вақт, ҳордиқ. 21. Қўл жанги турларидан бири. 22. Ўқотар курол стволи канали-нинг диаметри. 26. Маъму-рий-ҳудудий бирлик. 27. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддасида назарда тутилган жиноят. 28. Аҳднома, шарт-нома. 30. Вилоят ёки туман-ни бошқарувчи мансабдор шахс.

Истеъфодаги ички хизмат подполковниги  
**Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ**  
тузди.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Коррупция. 2. Яйпан. 3. Нишон. 4. Низом. 5. Майор. 6. Роман. 7. Нуфуз. 8. Зомин. 9. Нотиқ. 10. Қонун. 11. Насиб. 12. Бисот. 13. Таноб. 14. Боинг. 15. Гулоб. 16. Боғишамол. 17. Лорингофан. 18. Негиз. 19. Зулук. 20. Қошин. 21. Никоб. 22. Булоқ. 23. Қўшни. 24. Норин. 25. Нўхат. 26. Турин. 27. Никоҳ. 28. Ҳашам. 29. Мотор. 30. Ротор. 31. Ровоч. 32. Човачилик.

Криптограмма

Очқич сўзлар: 1. Нил. 2. Қази. 3. Хат. 4. Қит.

Ҳикмат: Ақл – ҳазина, қалити – тил.

**ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI IIV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir  
o'rinbosari v.b.  
**Murod  
TILLAYEV**

Mas'ul kotib  
**Rahmatilla  
BERDIYEV**

Navbatchi  
**Sadriddin  
SHAMSIDDINOV**

Sahifalovchi  
**Zokir  
BOLTAYEV**

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi  
139-77-23, 59-27-15.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.  
«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot  
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma № — 0038. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 44231 nusxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda  
«Postda»dan olinganligini  
ko'rsatish shart  
● Muallifning mulohazasi  
tahririyat fikriga mos  
tushmasligi mumkin.  
● Qo'lyozmalar tahlil  
qilinmaydi va  
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366  
Gazeta haftaning payshanba  
kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»  
nashriyot-matbaa aksiyadorlik  
kompaniyasi bosmaxonasida  
chop etildi.

Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi  
41-uy.  
2, 3, 4, 5, 6.